Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 7 (4562) // 2020-yil 14-fevral

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

НАВОИЙ ОСМОНДИР, ОСМОНИЙДИР...

*Муҳтарам Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилни **«Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»** деб номлар экан, мамлакатимиз ёшлари – азиз ўғил-қизларимизнинг нуфузли билим даргоҳларида ўқиб, илму тарбия олиб, миллатимизнинг чинакам фидойи ва халқсевар фарзандлари бўлиб камол топишларини назарда тутганлар. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб айтганларидек: **«Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!»***

Давру замон бунёдкорлари, ободлик, илму маърифат ва фарзандлар камоли ҳақида Алишер Навоий асарларидан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин:

Давронда камол ичра қуёшдин
бийик ўлди,
Ҳар зарраки, бир комили
давронға йўлуқти.

Комил ва камол сўзларидан юксак бадиий санъат яратилган ушбу байтда давроннинг бир улуғ комилидан сабоқ олган ҳар зарра, яъни ҳар толиб камолотда қуёшдан ҳам буюк бўлади, деган ҳикматли фикр ифодаланган.

Президентимиз раҳнамолигида жамиятимиз тараққиёти учун миллий юксалиш сари дадил қадам босаётганимиз, ҳар соҳада баланд марраларни эгаллаётганимиз комили давронга йўлиққанимизнинг исботи эмасми?!

Алишер Навоий «Бадойи ул-бидоя» номли илк девонининг дебочасида жамият тараққиётининг асослари тўғрисида шундай сўзларни ёзади:

«Ва ғараз бу фиҳрастдинким, бу зебо узориға ёзилди ва мақсад бу дебочадинким, бу раъно рухсориға битилди, ул эрдиким, чун салотиндин қай бириким биное қўйубдурурлар маниъ ва айвоне чекибтурурлар рафиъ, ул бино равоқида ва ул айвон тоқида ўз исмларин таҳрир ва ўз алқобларин танқир қилибдурурларким, то ул айвон тоқи бўлғай, ул исм анда боқий бўлғай...

2

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

Темурийлар Уйғониш даврининг улуғ шоири, буюк мутафаккир, давлат ҳамда жамоат арбоби ҳазрат Алишер Навоий шоҳ ва шоир Бобурнинг ҳаёт ҳамда ижод йўлларида алоҳида ўрин тутади. Муҳташам «Бобурнома» асарида муаллиф Мир Алишер Навоий, Алишербек, Алишер Навоий номлари ва бек нисбаси билан ўн икки жойда алоҳида тўхталган ва унинг тақдири туташган манзиллар сифатида Ҳирот, Самарқанд, Марв, Астробод шаҳарлари тилга олинган.

«СУРАТИ ХУШ ВА СИЙРАТИ ДИЛКАШ...»

«Бобурнома»ни варақласак, унда биринчи бўлиб тарихий шахслардан Навоийнинг табаррук номини ўқиймиз, гўё мумтоз асар Навоийнинг улуғ номи билан бошлангандек. Агар асарнинг мемуар асарларга хос тузилиши, сюжет чизиғи, воқеалар баёни, образлар оламига диққат қилсак, мемуар асар ўз даври анъаналарига кўра вожиб ул-тасниф одобига биноан қисқа характердаги басмала, Оллоҳга ҳамд, Муҳаммад (с.а.в.)га наът каби анъанавий қисмлар билан бошланган. Ундан кейин Фарғона вилоятининг таърифи битилган. Андижон шаҳри тўғрисида, хусусан, эли, тили ҳақида муаллиф бебаҳо маълумотларни ёзар экан, мазкур лавҳада битган ўз маълумотларига тамсил сифатида ва қиёслаш учун «бу тил биладур» деб изоҳ битиб, Навоий асарларининг тили хусусида сўз юритади ва унинг шарафли номини эсга олади. Демак, муаллиф муҳташам асарида илк қаламга олган атоқли шахс, темурийлар Уйғониш даврининг улуғ сиймоси Навоий: «Эли туркдур. Шаҳри ва бозорида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била рост-тур. Анинг учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирида нашъу намо топибдур, бу тил биладур».

«Бобурнома»да улуғ шоирнинг номи тилга олинган иккинчи қизиқарли маълумот таниқли фозил инсон сифатида тарихда қолган, Ҳиротда ўн йил ва Самарқандда ҳам маълум муддат ҳокимлик қилган Аҳмад Ҳожибек билан боғлиқ тарихий лавҳада ёдга олинган. Бобур китобнинг Султон Аҳмад Мирзонинг «Умароси» номли фаслида ушбу темурий ҳукмдорнинг саккиз нафар умароларидан бири Аҳмад Ҳожибек эканлиги ҳақида алоҳида лавҳа ёзган ва ушбу лавҳада Навоий номини зикр қилган. Унинг Самарқандда 1466 – 1469 йилларда кечган ҳаётини шарҳлар экан, ўша вақтда темурийлар давлати бошқарувида бўлган Мовароуннаҳрнинг пойтахти Самарқанд шаҳрининг ҳокими бўлган ва «Вафоий» тахаллуси билан яхши шеърлар битган соҳибдевон шоир Аҳмад Ҳожибекнинг унга ўз вақтида кўрсатган «мураббий ва муқаввий»лигини эсга олган.

4

Туркий оламнинг буюк шоири Алишер Навоийнинг «Хамса»сини озарбайжонлик қардошларимиз ҳам аруз вазнида ўқиш имконига эга бўлдилар. Уни филология фанлари доктори, профессор Рамз Асқар уч йил деганда озар тилига ўгирди.

«ХАМСА» ОЗАР ТИЛИДА

Ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги муносабати билан юртимизда ўтказилган тадбирларда таржимон, Боқу давлат университети туркология кафедраси мудири Рамз Асқар ҳам қатнашди. У шоирнинг дунё туркий адабиётига нақадар улкан мерос қолдирганига алоҳида урғу берди: "Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий турк дунёсининг энг улуғ шоири. Озарбайжонда уни жуда севадилар, яхши танийдилар, биз унинг асарларини университетимизда таржима қиламиз, ўрганамиз, ёшларга, талабаларга ўргатамиз". Олимнинг айтишича, бунгача "Хамса"нинг фақат "Фарҳод ва Ширин" достони озар тилига бармоқ вазнида таржима қилинган. Рамз Асқарнинг таржимаси эса шеърий шаклда, аруз вазнида ўгирилган, достонларга изоҳлар, шарҳлар берилган.

Ёзувчилар уюшмасида ўтган тадбирда Рамз Асқарга ўзбек адабиётини, хусусан, Алишер Навоий ижодини узоқ йиллардан бери тадқиқ ва тарғиб қилиб келаётгани учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолиги гувоҳномаси ҳамда "Фахрий ёрлиғи" топширилди.

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийзодалар даврида мақом санъати равнақ топиши учун зарур шарт-шароит яратилган эди. Бу фикримизга, хусусан, халқпарвар подшоҳ, жасур саркарда ва айни вақтда мумтоз шоир, санъаткор Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси ёрқин мисолдир. Мазкур мақола доирасида бизгача бебаҳо маънавий мерос ўлароқ етиб келган Фарғона-Тошкент мақом йўллари ҳамда Бухоро «Шашмақом»идан ўрин олган мўғулча шўъбаларнинг юзага келишида Бобур ижодий фаолиятининг бевосита ва билвосита аҳамияти ҳақида мухтасар сўз юритишни мақсад қилдик.

БОБУР ВА МАҚОМ САНЪАТИ

Маълумки, Бобурнинг отаси, темурийзода Абу Сайиднинг ўғли Умаршайх Мирзо (1456 — 1494) Фарғона водийси ва Тошкент вилоятларини қамраган мамлакатининг пойтахти сифатида Андижон ғарбида жойлашган Ахси қўрғонини танлаган ҳамда шу масканда тикланган саройдан ўз тасарруфидаги ҳудудларни ҳукмдор мартабасида бошқарган. Умаршайх Мирзо "Равон саводи бор эди. "Хамсатайн" ва масначий китобларини ва тарихларни ўқуб эрди. Аксар "Шоҳнома" ўқур эди. Табъи назми бор эди, вале шеърга парво қилмас эди... Бисёр саховати бор эрди. Хулқи дағи саховатича бор эди, хушхулқ ва ҳарроф ва фасиҳ ва ширинзабон киши эрди, шужў ва мардона киши эди" ("Бобурнома", Т., Фан, 2019, 10-11 бетлар). Умаршайх Мирзонинг олижаноб фазилатлари ва саховати, қолаверса, Амир Соҳибқирон даврида қарор топган маданий анъаналарни муносиб давом эттиришга интилиши ўлароқ мамлакатда маданий юксалиш кузатила бошлаган. Сарой маданиятида эса касбий мусиқалар мақомида эркак ва аёл санъаткорлар фаолият кўрсатган. Айнан шу маданий масканда ҳозирда бизга маълум Фарғона-Тошкент мақом йўлларига ҳамда аёлларнинг касбий яллачилик санъатларига асос солинган бўлса, ажаб эмас.

4

ВАТАН ХАЁЛИ

Учиб кетди оламга Оқсаройдан оқ хатлар,
Оқ хатлар эмас улар, соғинч, фироқ, оҳ хатлар,
Руху жонимга туташ мулки сўнгсиз сарҳадлар,
Ҳазрат Соҳибқироннинг тоза ниҳоли — Бобур.

Бори элга яхшилик қилмоқ надир, билдик биз,
Сиз Ҳинд сори кетдингиз, сиз сориға елдик биз,
Сиз Ватанга келдингиз, сиз томонга келдик биз,
Оҳ, бунчалар ёруғдир Ватан хаёли, Бобур.

Ватандан мужда келса, айтинг қанда жон қолди —
Ширин қовун таъмидан на-да танда жон қолди,
Самарқандда дил қолди, Андижонда жон қолди,
Бир мард юрт деб йиғласа тутгай уволи, Бобур.

Киши ғариб кўнглини тушунгайдир ғурбатда,
Ғурбат — бу ғаريبликдир, ғам-андуҳдир, албатта,
Инсон билмас не сир бор, дунё деган турбатда,
Идрок этдим, бу кимнинг жавоб-саволи, Бобур.

Тўхтамайди Жайҳундай сўзи — ҳаёт китоби,
Ҳар кўнгилда мавж урар, унинг шиддат, шитоби,
Маҳшаргача янграгай ҳақ йўлида хитоби,
Шундан доим баланддир дарду иқболи, Бобур.

Айтган билан тугамас, жон-жонимнинг жон сўзи,
Ватаним, миллатимнинг ҳар ўғлони, ҳар қизи,
Ҳазрат боболарининг қутлуғ, муборак изи,
Ҳумоюн ҳам Гулбадан, Комрон, Ҳиндоли Бобур.

Маним ёниб айтганим бир хатти жаҳон бўлгай,
Бўйи кўкка етган сарв, тик қадди жаҳон бўлгай,
Пойдевори мустаҳкам, зўр садди жаҳон бўлгай,
Жаннатлардан хуш насим — юртим шамоли, Бобур.

Учиб кетди оламга Оқсаройдан оқ хатлар,
Оқ хатлар эмас улар, соғинч, фироқ, оҳ хатлар,
Руху жонимга туташ мулки сўнгсиз сарҳадлар,
Ҳазрат Соҳибқироннинг тоза ниҳоли — Бобур.

Ғайрат МАЖИД

АФҒОНИСТОНЛИК ИЖОДКОРЛАР ТАШРИФИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида афғонистонлик ижодкорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Йигирма нафар афғонистонлик ўзбеклардан ташкил топган делегация вакиллари билан уюшма жамоаси ўртасида самимий суҳбат қизғин кечди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид меҳмонларга юртимизда адабиёт ривожи учун амалга оширилаётган кўламли ишлар, уюшма фаолияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Афғонистонлик меҳмонлар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари муносабати билан юртимизга ташриф буюриб, тадбирларда қатнашаётганлари айни муддао эканини таъкидлашди. Ўзбек миллатига мансуб аҳоли Афғонистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида салмоқли ўрин тутади. Меҳмонлар Кобул университетида ўзбек тили ва адабиёти таълими бўлимини очиш, ХХ аср ўзбек адабиёти намуналарини араб имлосига асосланган алифбога ўгириб, нашр қилиш режалари ҳақида сўзлашди. Ҳукумат билан келишувлар натижасида 21 октябрь – Афғонистонда "Ўзбек тили куни" деб белгиланган.

Жузжон билим юрти ўқитувчиси Нуруллоҳ Олтойнинг айтишича, замонавий ўзбек адабиётига жуда кўп русча сўзлар кириб келган, ўша сўзларнинг туркий-ўзбекча мукобиллари унутилиб бораётир. Афғонистондаги ўзбеклар эса ўзбек адабий тилидаги хорижий тиллардаги сўзларни тушунмайди. "Масалан, имлони ўгириш жараёнида русча сўзларни ўзбек тилига таржима қилсак, муаллифлик ҳуқуқини бузиб қўймасмикинмиз", дейди у хавотирланиб.

Учрашув сўнгида меҳмонларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида нашр этилган, Абдулла Қодирий, Абдулла Орипов, Ибройим Юсуповнинг "Сайланма" китоблари совға қилинди. Меҳмонлар Пиримкул Қодировнинг араб имлосига асосланган ўзбек алифбосидаги "Юлдузли тунлар" китобини Ёзувчилар уюшмасига тақдим этишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ахборот хизмати

«КЕЧА ВА КУНДУЗ» АҚШДА НАШР ЭТИЛДИ

АҚШнинг Бостон шаҳрида атоқли ўзбек шоири ва адиби Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи (инглиз тилида «Night and Day») нашр этилди. Асарни Мичиган университети славян тиллари ва адабиёти кафедраси тадқиқотчиси, таниқли таржимон Кристофер Форт бевосита ўзбек тилидан инглизчага ўгирган.



Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи яратилганига 80 йилдан ошган бўлса-да, ҳамон қўлдан-қўлга ўтиб келмоқда. Маълумотларга кўра, мазкур асар икки қисмдан иборат бўлиб, дастлабки қисми "Кеча" деб номланган. Ҳозирги дамда биз ўқиётган роман асарнинг биринчи қисми деб тахмин қилинади. "Кундуз" деб аталган иккинчи қисми ҳақида эса маълумотлар йўқ.

"Кеча ва кундуз"ни инглиз тилига ўгириш учун таржимон деярли бир йил давомида Ўзбекистонда яшаб, ХХ аср ўзбек адабиёти бўйича илмий-тадқиқот иши учун материаллар тўплаган, ўзбек тилини ўрганган. Таржима ишлари 2015 йилда бошланиб, тўрт йил давом этди.

2018 йил 7-8 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" номли халқаро конференцияда Кристофер Форт ҳам иштирок этиб, роман таржимаси жараёни ҳақида махсус маъруза ҳам қилган эди.

"Бобур ва дунё" журналига интервью берар экан, К.Форт "Кеча ва кундуз" таржимаси ҳақида шундай дейди: "Чўлпоннинг романини танладим, чунки адиб насрда назм, киноя, ташбеҳларни янги ва қизиқарли бирикмаларда амалга оширган".

Мазкур нашр ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси Чўлпон ижодининг халқаро миқёсда эътироф топаётганидан далолатдир. Нашр анча салмоқли, ундан роман билан бирга таржимоннинг Чўлпон ижоди, хусусан, "Кеча ва кундуз" романи ҳақидаги мақоласи, тарихий номлар ва атамаларга оид изоҳлар ҳам ўрин олган.

Рисолат ҲАЙДАРОВА

НАВОИЙ ОСМОНДИР, ОСМОНИЙДИР

Бошланиши 1-саҳифада.

Ғараз ул эрдиким, бу қасри олий,
Ки ҳаргиз бўлмағай, ё раб, заволи.
Биноедурки, шаҳ бунёд қилмиш,
Замона қасридек обод қилмиш.

Навоий ижоди чексиз осмон, бепоён уммондир. Ундан дуру жавоҳирлар термоқ бани одам эҳтиёжидир:

Навоий осмондир, осмонийдир,
У гардун ичрадир гардун — керак бўлгай.

Буюк мутафаккир бобомиз ўз ижтимоий фаолияти давомида илм-фан эгаллаш, бадиий ижод ва адабиётни ривожлантириш, масжид-мадрасалар қуриш, аҳолини сув билан таъминлаш, соликларни енгиллаштириш, муҳтожларга моддий ёрдам бериш каби ишларни изчил амалга оширган.

Ул зотнинг ташаббуси билан бинолар қурилган, боғлар барпо этилган, ҳовуз ва ариқлар қазилган. Алишер Навоий қурдирган «Халосия» хонақоҳида муҳтож кишиларга озиқ-овқат ва кийим-кечак улашилган.

Ҳазрат Навоийнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги ибратли фаолиятини Ватанимизнинг бугунги оламшумул ўзгаришлари билан муқояса қилганимизда, Президентимиз ташаббуси билан Алишер Навоий орзу қилган эзгу ва олижаноб инсоний ғояларнинг амалдаги рўёбини кўрамиз. Биргина Адиблар хиёбонидаги янги қурилишларни олайлик. Адиблар хиёбони эндиликда Алишер Навоий ҳайкали билан уйғун бўлиб, яхлит меъморий мажмуа ҳосил қилиши учун ишлаб чиқилган янги лойиҳа асосида саккиз гектардан зиёд ҳудуд қайтадан таъмирланиб, янада кўркам ва мутаносиб қиёфа касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари якинда ушбу Адабиёт боғига ташриф буюриб, у ердаги улуғ адибларимизнинг ҳайкаллари ёнида лавҳлар ва аудиоёзувлар орқали ҳар бир адиб ҳақида қисқача маълумот бериш, уларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ўтказиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурлигини таъкидлади. Алишер Навоий ҳайкали мажмуини безатиш, бу маъвони ободонлаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Адиблар хиёбони ва Алишер Навоий ҳайкали жойлашган ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида чуқур мазмун бор. Навоий бобомиз қибла томонга қараб турган Адиблар хиёбонининг бир томонида Тошкент ситининг осмонўпар миноралари, шаҳар ичра янги замонавий шаҳар, иккинчи ёнда Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудидаги 9 гектар майдонда океанариум, 10 минг кишига хизмат қиладиган замонавий истироҳат боғи бунёд этилиб, барчани ҳайратга соладиган меъморий ва маънавий мўъжизалар бунёд этилмоқда.

Янги давр ислоҳотлари юртимиз ҳаётининг барча жабҳаларида бўлгани каби миллий адабиётимиз ривожи ва жаҳон миқёсидаги тарғиботига кенг имкониятлар яратмоқда. Рақамли иқтисодиёт ва янги технологиялар замонида мумтоз ва замонавий адабиётимиз намуналари нуфузли халқаро китоб кўргазмаларида намойиш этилмоқда, Интернет тармоқлари орқали олам аҳлига узатилмоқда.

Ўз давридаёқ жаҳоншумул довруқ қозонган Навоий бобомиз асарлари бугун ҳам кўп тилларга таржима қилинмоқда, хорижий давлатларда нашр этилмоқда. Жумладан, "Уммондан дурлар. Ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар" Йўлдош Парда, Л. Кметюк ва Қ. Маъмуров томонидан инглиз ва немис тилларида Германияда, "Ғазаллар" китоби Муродхон Эргашев, Жан Жак Гате таржимасида Францияда, Николай Бажан таржимасида "Фарҳод ва Ширин" достони Украинада, "Мезон ул-авзон" асари, ғазал ва рубоийлардан тартиб берилган китоби Венгрияда, "Лисон ут-тайр" достони Януж Кжижовский таржимасида Польшада, "Фарҳод ва Ширин" достонининг Туркияда чоп этилган нашрини эса истеъдодли ижодкор Аъзам Обид инглиз тилига таржима қилган. Бироқ бу таржималар уммон томчисининг томчисидан ҳам кам. Асосий қилинадиган улуғвор ишлар ҳали олдинда. Алишер Навоий ижодини жаҳон миқёсида ўрганиш давом этади.

Ҳар бир калла,
Ҳар бир бош
Жаҳолатдан қўрқиши керак.
Ҳар бир бола,
Ҳар бир ёш
Навоийни ўқиши керак.

Ҳар бир ота,
Ҳар бир мўйсафид
Умр ҳикматларин кўрсатиб,
Нафс арқонларин қирқиши керак,
Фарзандлари, набирасига
Навоийни ўқиши керак.

Бир болага — бутун мамлакат,
Баъзан эса қирқ киши керак.
Бешиклардан тушиб болалар
Навоийни ўқиши керак.

Сиз дейсиз: Йўл топиши керак,
Уй қуриб, пул топиши керак,
Йўқ-йўқ, у ор қилиши керак,
Навоийни ўқиши керак!

Самарқанду Бухоро, Термиз
Тўйларида барчамиз жаммиз.
Бизлар ахир кимлардан каммиз?!
Элга олам олқиши керак,
Оламга тик боқиши керак,
Навоийни ўқиши керак!

Берунийлар, ибн Синолар,
Улуғбеклар, Бобур Мирзолар
Қуриб кетмиш қандай бинолар!
Ёш кўнгиллар қалқиши керак,
Навоийни ўқиши керак!

Ватан азал битта Ватандир,
У биз учун сўлмас чамандир.
Шул сабабдан бола чоғлардан,
Майса чоғлар, лола чоғлардан
Ўзни уриб, юлқиши керак,
Навоийни ўқиши керак,
Дилга недир юқиши керак!

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида кўп қимматли фикрлар айтилди. Шу ўринда мени Орол денгизи ва «ҳалоллик вакцинаси» тўғрисидаги гаплар, айниқса, ҳаяжонга солди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан, хусусан, Орол денгизи атрофидаги экологик вазиятни яхшилаш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлардан нафақат қорақалпоқ халқи, балки бутун Ўзбекистон аҳли мамнун бўлаётир. Биргина ўтган йили Орол денгизи ҳудудида 1 миллион 125 минг гектар ер майдони тайёрланиб, 500 минг гектар ерга саҳро иқлимига бардошли ўсимликлар экилди. Жорий йилда бу кўрсаткич 700 минг гектарга етказилади. Деярли қуриб битган Орол денгизи ҳудудида олиб борилаётган бу ишлар ҳазилакам эмас. Оролбўйи аҳолисини, хусусан, Мўйноқ шаҳрини ичимлик суви, газ ва электр билан узлуксиз таъминлаш борасида қилинаётган ишлар кўлами ҳам ниҳоятда улкан.

Мурожаатномада Президентимиз «Ҳалоллик вакцина»сини қаердан оламиз?» дея савол ташлади. Бу саволга жавобни, менимча, бугун ҳар биримиз ўз қалбимиз, кўнглимиз ва виждонимиздан ахтаришимизга тўғри келади. Бу, айниқса, адибларга катта масъулият юклайди.

Қадим қадимдан одамлар муаммоларини маслаҳатлар билан ҳал этишган. Қоракалпоқларнинг ҳар бир аймоғи, ҳар бир овули, ҳар бир элатида ўзига хос маслаҳат тепалари бўлган ва ялпи аҳолига тааллуқли энг долзарб муаммолар ўша кенгашларда ҳал этилган. Буни ҳозирги маҳаллий, туман, вилоят кенгашлари билан таққослаш мумкин. Бугунги бизнинг маслаҳат тепамиз – Олий Мажлис ва унинг икки қаноти – Сенати ва Қонунчилик палатаси, қолаверса, Жўқорғи Кенгаш, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ҳисобланади. Янги Парламент Сенати аъзолари ва депутатлари Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида зиммасидаги вазифаларни бажариш учун бугун халқ ичига кириб боряпти. Буюк Бердақ бобомиз XIX асрнинг ўрталарида қуйиб-ёниб:

Замон хислатидан сарғайдим,
оздим,
Бўларми деб, яхши кунлар
халқ учун…

деб ёзган эди. Минг шукрки, улуғ бобомизнинг орзу-ниятлари ижобат бўлмоқда. Кўриб турганимиздек, қилинаётган барча ишлар замирида халқ фаровонлиги, манфаати ётибди. Биз-нинг вазифамиз бугунги давр шиддатини, кўламини, қаҳрамонларининг бадиий образини яратишдан иборат. Бу эса, шубҳасиз, биз адиблар зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЖОНЛИ ЛАВҲАЛАР

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 215-мактабда «Алишер Навоийга эҳтиром» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Ушбу анжуман улуғ шоир ва мутафаккир таваллудининг 579 йиллигига бағишланди.

Тадбирда мактабнинг юқори синф ўқувчилари фаол иштирок этишди. Ўқувчилар томонидан ижро этилган Навоий ижодидан намуналар, саҳна кўринишлари, рубоий ҳамда ғазаллар асосида яратилган куй ва қўшиқлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Лобар Аслонова томонидан 5-синфда ўтказилган очиқ дарсда Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубоий ва ғазалларидан намуналар, "Бобурнома"дан келтирилган лавҳалар ўқувчиларнинг ўзбек адабиётининг буюк намояндаси ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқишларини янада оширди.

Умида РАЗЗОҚОВА,
Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги 215-мактаб ўқитувчиси

ЎЗБЕК АДИБЛАРИ ДУНЁГА ЧИҚМОҚДА

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида Дунё халқлари ёзувчилари уюшмасининг «Global Litera» журнали нишона сони тақдимоти бўлиб ўтди.

Журналда дунёнинг 55 мамлакатидан шоир ва ёзувчилар ижодидан намуналар йигирма тилда чоп этилган. Улар орасида ўзбек ижодкорларидан Ҳосият Рустамова, Фозил Фарҳод, Шерзод Халил, Шуҳрат Ориф, Аликул Мўминов, Марҳабо Шодмонова, Гўзал Рўзиеванинг шеърлари, ҳикоялари жой олган. "Ўзбек адабиёти жуда қадим ва теран томирларга эга адабиёт, унинг бугуни ва эртаси ёш авлоднинг айни кунларда қандай мавзуларда ва қандай ёзаётганига боғлиқ. Ўзбек адабиётининг энг яхши намуналарини бундан кейин ҳам журнал саҳифаларида ёритиб, ўзбек ижодкорларининг халқаро майдонга чиқишига ҳисса қўшамиз», дейди Дунё халқлари ёзувчилар уюшмаси раҳбари Қайрат Дуйсен Пармон.

Мазкур уюшмага ҳозирда Ўзбекистондан Сирожиддин Саййид, Қўчқор Норқобил, Хосият Рустамова, Шерзод Халил ва Аликул Мўминов каби ижодкорлар аъзо бўлишган.

БОБОЛАРНИ ШАРАФЛАБ

Ҳазрат Алишер Навоийнинг уммонга менгзагулик ижодиёти ва барча замонлар учун ибрат бўлгулик фаолияти уни башар аҳлининг улуғ устози, мураббийлари қаторида юксак мартабага олиб чиқди. Чунончи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида таъкидлаганидек, "Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхий Ноий ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбияти ва тақвияти билан мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай" ("Бобурнома", Т., "Шарқ", 2002, 133-бет). Бобур мураббий деганда устоз, ўқитувчи, тарбиячини назарда тутган бўлса, муқаввий сўзи истеъдод эгаларига куч-қувват, мадад берувчи инсонни англатади.

Даҳо шоир Алишер Навоий шахсида мужассам бўлган мазкур олий фазилатлар Бобурда беҳад ҳайрат ва ҳавас уйғотгани, уни буюк бунёдкорлик ишларига руҳлантиргани, Ғарб оламида "Ўн олтинчи асрнинг бунёдкори" сифатида ном қозонгани сир эмас.

Айни пайтда бу икки улуғ бобокалонимизнинг таваллуд топган кунлари мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Айниқса, таълим масканларида ташкил этилаётган тадбирлар ёш авлоднинг шарафли аждодларга муносиб ворис бўлишга интилишини, иштиёқини намоён этмоқда.

Чунончи, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 180-А тармоқ мактабида тажрибали педагог, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Раъно Алимова ташаббуси билан уюштирилган маънавий-маърифий тадбир таассуротларга бой бўлди. Мактаб педагоглар жамоаси, бу таълим маскани жойлашган Маннон Уйғур номидаги маҳалла фаоллари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти билан боғлиқ айрим саҳна кўринишларини томоша қилдилар, ҳикматга айланиб кетган шоҳ байтлари, асарларидан парчалар ўқилди.

Роҳила АҲМАТОВА

УЛУҒ МУТАФАККИРГА ЭҲТИРОМ

9 февраль куни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қаршисидаги улуғ мутафаккир шоир ҳайкали пойи эрта тонгдан адабиёт мухлислари билан гавжум бўлди. Илм аҳли, ёзувчи-шоирлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар, юртимиздаги дипломатик корпус вакиллари, хорижлик меҳмонлар Навоийга эҳтиром кўрсатиш учун бир даврага йиғилди. Бу ерда ҳазрат шаънига эҳтиромли сўзлар айтилди, ғазалларидан намуналар ўқилди, қўшиқлар янгради. Айниқса, Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчиларининг тадбирдаги фаол иштироки юртимизда буюк бобокалонимизга муносиб авлод етишиб чиқаётганини намоён этди.

Алишер Навоий миллий маънавиятимиз, она тилимиз, адабиётимиз равнақига улкан ҳисса қўшган даҳо шоирдир. Мамлакатимизда китобхонликни ривожлантириш, таълим, тарбия, маънавият, илм-фанга эътибор қаратиш борасидаги ислоҳотлар жараёнида шоир меросини мукаммал ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда одамийлик, эзгулик, поклик, халолликни, юртпарварликни, тинчликни тараннум этган буюк шоирнинг асарлари жаҳон миқёсида ҳам адабиёт мухлисларининг меҳри ва ардоғида бўлиб келмоқда. Тадбирда сўзга чиққанлар Навоий меросининг оламшумул аҳамияти, комил шахс тарбиясидаги ўрни ҳақида сўзладилар.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ва бошқалар мамлакатимизда миллий адабиётимизга, таълим-тарбияга эътибор кўрсатиш, устоз-муаллимлар меҳнатини ардоқлаш, санъат ва маданиятни равнақ топтириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар янгича руҳ, ўзгача шиддат билан йўлга қўйилганини таъкидлади.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок эди.

* * *

Шу куни Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи олдидаги улуғ аллома ҳайкали пойида ҳам шеърхонлик бўлиб ўтди.

* * *

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган "Назм ва наво" кечаси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирга маънавият тарғиботчилари, адабиёт мухлислари, хорижлик меҳмонлар таклиф этилди.

Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида улуғланган инсонпарварлик, юртпарварлик, фидойилик ғояларига ҳамоҳанг экани билан аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, Навоий ва Бобур ҳунармандларга, илм-фан, маданият ва санъат аҳлига ҳомийлик ҳамда ғамхўрлик қилишда тенгсиз эди. Жаҳондаги кўплаб қаламкашлар буюк даҳо шоирларимиз ижодидан баҳраманд бўлган, илҳомланган.

Тадбирда дилга яқин наволар янгради. Навоий ва Бобур ғазаллари билан куйланувчи қўшиқлар қалбга ҳузур, сокинлик, завқ бағишлади. Залдаги улкан мониторда миллий осори атиқаларимиз, нодир қўлёзмалардан намуналар, бетакрор меъморий обидалар намойиши кечага янада шукуҳ бағишлади.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг беш достони — "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъаи Сайёр", "Садди Искандарий"-ни ўзида жамлаган "Хамса" асари янги нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди. Бу достон Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан кўркам дизайнда, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилди.

Тақдимот маросимида қатнашган шоир-ёзувчилар, адабиётшунос ва публицистлар "Хамса" асарининг ғоялари, унинг инсониятга тегадиган маънавий фойдалари ҳақида батафсил маълумотлар беришди.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган "Хамса" достонларининг бошқа нашрлардан фарқли жиҳати, ундаги воқеалар, китобхон учун бироз тушунарсиз туюлган атамалар навоийшунос олим Ваҳоб Раҳмон томонидан шарҳланиб, изоҳлар берилган. Нашриёт жамоаси Алишер Навоийнинг бошқа асарларини ҳам босқичма-босқич нашр этишни режалаштирган.

МУНОСАБАТ

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Бугун дунё ҳамжамияти ва жаҳондаги нуфузли оммавий ахборот воситалари бир овоздан эътироф этаётган тарихий воқеа – Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини телевидение орқали диққат-эътибор билан кўриб тингладик, матбуот орқали сўзма-сўз ўқидик ва ўқиб олдик.

Халқимиз билан бирга жуда кўп тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлганмиз, халқаро анжуманларни кўрганмиз, кўплаб давлат раҳбарларининг нутқларини эшитганмиз. Ватанимиз ва халқимизнинг келажакдаги тақдирига дахлдор бўлган тарихий Мурожаатнома тараққиётимизнинг, бундан кейинги йўлимизнинг режасини аниқ-тиниқ белгилаб беради.

Дунё ҳамжамияти, халқимиз янги даврга қўйилган қадам дея баҳо берган – мамлакатимизда амалга оширилган ишларнинг теран таҳлили ва яна келгусида бажарилиши режалаштирилган ишларнинг соҳама-соҳа, номма-ном, рақамма-рақам белгилаб берилишида жамиятни фаровон манзилларга элтишнинг илмий асосланган йўллари ва самарали механизмлари ишлаб чиқилгани кўриниб турибди.

Муҳтарам Президентимиз: "Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўрганса, ишимизни мукаммал ва унумли бажарса, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилса, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради", дея мурожаат этган сўзлар бугун эл-юрт тараққиёти учун хизмат қилишга бел боғлаган, эзгу ният қилган ҳар бир юртдошимиз юрагида акс садо бериб турибди. Бу сўзлар бизни руҳлантиради, жамиятнинг фаол аъзоси бўлишга, ишимизнинг сифатини ҳам, суръатини ҳам янада оширишга ундайди.

Айниқса, «Жамият – ислоҳотлар ташаббускори», деган янги ғоя кундалик ҳаётимизга тобора чуқур сингиб бораётгани бундан кейин ҳам ютуқларимиз, меҳнатимиз самараларининг гарови бўлиб қолишига қатъий ишонамиз. Ташаббускорлик, фаоллик Президентимизнинг шахсий ибрати мисолида қандай натижаларга олиб келганига ғоят қисқа вақтда амин бўлдик.

Бунга турли соҳаларда мисоллар кўп: "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари, бутун дунёни ҳайратга солган Мўйноқ мўъжизаси, янги мазмун, янги шаклдаги Президент мактаблари ҳамда атоқли адиблар номидаги Ижод мактаблари, нуфузли хорижий университетларнинг юртимизда очилган филиаллари... Ҳамма соҳада ташаббус, ислоҳот ва яна ислоҳот.

Ўтган йили "Ижод" жамоат фонди томонидан 78 номдаги 293 750 нусхада бадиий адабиётлар нашр этилди, бу китобларга 2556,8 млн. сўм маблағ сарфланди. Шу жумладан, "Биринчи китобим" лойиҳаси асосида ёш ижодкорларнинг 19 номдаги китоблари нашр этилиб, таълим муассалари, ҳарбий қисмлар, ёшлар марказларига ҳадя этилди. "Беш ташаббус" бўйича ташкил этилган маънавият карвонлари билан кўплаб бадиий асарлар, ёшлар севиб ўқийдиган китоблар чекка қишлоқлар ва маҳаллаларга етказиб берилди. "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастури бўйича янги қурилган уй-жойларнинг китоб жавонлари "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида нашр этилган китоблар билан бойитиб борилмоқда. Сирдарё вилоятидаги ҳар бир маҳалла гузари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси муассислигидаги газета ва журналларга "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида обуна қилинди.

Кекса авлодга мансуб Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ва марҳум адибларнинг оилаларига 283 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди.

Эндиги марра – илм-фан ютуқларини эгаллаш, маърифатли бўлиш ва рақамли иқтисодиётни ишлаб чиқаришга, жамиятимизнинг кундалик турмушига жорий этишдир.

Президентимиз бизга асосий мақсадимиз – Ватанимизни ривожланган мамлакатга айлантиришнинг йўлини белгилаб, кўрсатиб берди. Мурожаатномадаги ҳар бир сўз масъулиятли меҳнатимизда бизга шижоат бағишлайди.

Шерзод ИРЗОЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ижод» жамоат фонди ижро этувчи директори

Шукур ҚУРБОН

АЖДОДЛАРДАН МЕРОС

СЎЗ ЙЎЛИ

Маъзур тутинг, менинг йўлим сўз йўли бўлди,
Умрим ундан яхшироққа бўлмади мойил.
БЕДИЛ

Гарчанд донғил, гарчанд сўнгсиз,
Бирга ўнғай, мингга ўнгсиз —
Йўл, сўз йўли мафтун айлади,
На-да мафтун, мажнун айлади:
Сабоқ учун гоҳ бобо Навоийни ўқийман,
Ўқиш қайда, луғат титиб, чўқийман.
Мунча калта фаҳмим менинг, мунча ғўрман,
Донғил йўлда бамисоли очиқ кўрман.
Шу аҳволда ҳеч шеър ёзиб бўларканми,
Ёзсанг, ўқиб биров кўнгли тўларканми?
«Қўй, яхшиси, қаламингни синдир, Шукур,
Орзуйингни бошқа йўлда тиндир, Шукур!»
Дегим келар ўз-ўзимга бақириб,
Юрагимдан оғриқ келар, лекин айқириб:
Оламаро ҳар кимнинг ўз йўли бор,
Битта бўлар ҳар кимда бу йўл.
Ўз йўлингсиз яшамоқ — бекор!

ОНАЖОНИМ

Менга бутун умрин бахш этиб шундоқ,
Беш кунлигим қолди, дейдиган онам,
Сизни қандоқ рози қиламан, қандоқ?
Наҳот, беш кунликдир энди имконим?

Онажоним, энди куйсангиз,
Ўзингизга куйинг, менга эмас, йўқ.
Менга — қанча узоқ умр кўрсангиз,
Сиздан шунча карам, шунча кўнгил тўқ.

Баликчи, дегани бир чарчашлик жой,
Йўлкира ҳақи ҳам бўларди қанча.
Соғинч ёшларимни тўкдим неча ой,
Неча ой ўртандим фурсат топгунча.

Сиз учун бир муддат яшамай туриб,
Болам учун яшай бошладим, наҳот?
Иссиқ бағрингиздан юлиб-суғуриб,
Олиб кетди мени безовта ҳаёт.

Тиним бермас энди ўлгунимча то,
Совурар ёшлигим, саломатлигим.

Ўйлаб ҳам кўрмабман оламда, ҳатто
Ҳатто оналар ҳам омонатлигин.

Мен сиздан қарздор кетурман абад,
Фарзандлик — қиёмат қарздорлик-ку бу.
Беш кунлик имконни сарф этмоқ — ният,
Беш кунлик имконни яшамоқ — орзу.

* * *

Ҳаммаси тугади, бошланмай туриб,
Сен нола чекарсан, кўзларинг ёшлаб.
Мен армон ютарман, томоғим қуриб...
Бизлар бир-бировни кетурмиз ташлаб.

Йиллар учиб ўтар кўтариб тўзон,
Хотирот кўзгуси хира тортар жим.
Буюк бир фожиа рўй берар шу он:
Сўниб борар унда қуёшдай исм.

Қолган умр кечар ғамли, синоқли,
Бироқ умидворман: синмайди кўзгу.
Ёдгор буюм каби яшар ардоқли
Юрак-юракларнинг ич-ичида у

Ва бир кун муҳаббат ёдга тушган чоқ,
Қўлга олиб уни тинч, беихтиёр,
Ҳеч кимга билдирмай, йиғлаймиз узоқ,
Ювиб-тозалаймиз кўз ёш-ла бекор.

Хира тортган ҳислар яшнарми қайтиб?
Ўчиб кетган бўлар улар кўзгудан.
Исмлар қуёшдай порлаган пайтни,
Қанча ахтармайлик, топмаймиз ундан.

КУЗАТИБ ҚОЛМАСА...

Кузатиб қолмаса уйда бир киминг,
Йўлинг кўпаймайди, юрсанг ҳам қанча.
Эгнингга чангакдай чип ёпишганча,
Вужудинг ғижимлаб борар кийиминг.

Вужуд озор чекса, кўнгилда ситам,
Ҳар кимга сўниқ рух билан қарайсан.
Ҳар кимдан гарчи ҳол-аҳвол сўрайсан,
Сен ўз ҳол-аҳволинг сўрайсан шу дам.

Турли давраларга бош суқасан жим,
Далда ахтарасан ҳаётни кезиб.
Оламда гоҳ ўзни ортиқча сезиб,
Бурчак-бурчакларда ёш тўкасан жим.

Кузатиб қолмаса уйда бир киминг,
Кутиб олгувчинг ҳам бўлмайди, аён.
Судралиб қайтасан уйингга томон,
Вужудинг ғижимлаб борар кийиминг.

СОНЕТ

Олис аждодлардан табаррук мерос
Бу кўҳна қалъалар — ибрат мактаби.
Ватанни асрамоқ эр йигитга хос
Аҳли аёлини асрамоқ каби.

Тупроққалъа, Қирққиз, Ўй қалъа, Елли,
Гулдурсун... икки юз элликта. Нега?
Ким у парчалаган бус-бутун элни?
Парчаланган юртга ёв чиқар эга.

Йўқ. Тарих айтади, бундай бўлмаган:
Бошқаси қурилган, бузилса бири.
Душман осонликча кириб келмаган,
Қалъалар қаҳрига дуч келган бари.

Кўрмаган бунча кўп босқинни олам,
Бунчалик мустаҳкам истеҳкомни ҳам.

Маҳфуза ИМОМОВА

ЮРАКДА КЎЗ ОЧСИН...

КЕЛДИМ

Келдим,
келмасидан тонг саболари,
Қуёш найзаларин санчмасдан келдим.
Елкамда йўлларнинг иддаолари,
Йиллар истибдодин янчмасдан келдим.

Келдим,
ҳар яproққа сўйламай келдим,
Ҳаддимдан баландга бўйламай келдим.
На-да бир тадорик, на шубҳа-гумон,
Ҳаттоки бир бора ўйламай келдим.

Мен шундай мард келдим,
сержуръат келдим,
Келмасам бўлмасди, келсам бўлмасди.
Кўзлар ҳам тўлар-ку, нечун тўлмас дил?
Мен шундай дард келдим, ложувард келдим.

Келдим,
остонангда турибман кутиб,
Шошма, эшикни тез очиб юборма.
О, донишманд зот,
Мўйсафид Ҳаёт –
Сен мени ҳавога сочиб юборма.

Ер қаттиқ, кўк баланд, умр сарсари,
Юракда кўз очсин бари шодликлар.
Гўзаллик, муҳаббат, бахтдан ташқари,
Сен мени айирма паришонликдан.
Келдим...

ҚАЙТА ТУҒИЛИШ

Ўзингга қайтасан,
Оғриқларингга
Дуолар ўқийсан ижобат тилаб.
Бир финжон қаҳвани қўйиб олдига
Тўйиб гаплашасан виждонинг билан.

Сўнг кино бошланар
Уруш ҳақида –
(На кўргинг келади, на бўлар ухлаб!) –
Титрайсан, гўёки экран ортидан
Чиқиб келётгандай адашган ўқлар.

Ҳайдалган ит каби увиллар шамол
Кетиб ҳам бўлмайди:
Совуқ ташқари.
Изингга соласан ўзингни дарҳол,
Сўнг ҳузур топасан дилни бошқариб.

Деразанг ортидан боқар мусина,
Булутлар тарқалар тўзғиган пардек.
Тонг отар, уйқусиз ўтади кечанг,
Қонингда югурар ватанпарварлик.

Атрофга боқасан табассум билан,
Сезасан манзиллар аён эканин.
Қўрқмайсан,
ортингга қайтмайсан сира,
Энди чўчитолмас Аёл эканинг.

Тўмарис келади,
Ойбарчин келар –
Сени ишонч қучиб олар дафъатан,
Муҳаббат ҳақдаги тушлар чин келар,
Севгингга хиёнат қилмайди Ватан.

Севгига хиёнат қилмайди Ватан!

МЕЗОН ҚУШИҒИ

Абдулҳамид Чўлпонга

Авжида, мусаввир кузнинг даврони,
Муаббад муждалар келтирур ҳаво.
Айланиб ўйнайди масрур даврани
Кўйлаги эскирган раққоса сабо:

«Бир кўрдим мен уни – шунчалар гўзал..»

Ҳужрага беркинур нозиктаъб қуёш
Айни ишқ базминда китоб варақлар.
Навозиш қушларга кўтарганча қош
Эгнини алишиб чиқар дарахтлар:

«Ойдан-да гўзалдир,
кундан-да гўзал!»

Айни гул базминда бу боғлар бесон,
Ҳур тоғлар бесондир тошларин қучиб.
Тўкилмоқ истаюр ҳар аҳли хазон,
Топталмоқ вожибдир йўлаклар учун -

«Мен йўқсил на бўлиб уни суйибмен?!.»

Ҳофизанг сурати алвон тортадур
На умр ортадур қадди коядин.
Ай, руҳим,
бас, энди ишқдин ортда тур
Қонимда гул тугмиш Азоб ояти:

«Мен суйиб, мен суйиб кимни суйибмен?!
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен..»

* * *

Мен бахт билан ҳазиллашаман,
Гоҳ ухлайман унга суяниб.
Онамдай кўп тоқати билан
Сочларимни тараб қўяди.

Қувлашмачоқ ўйнайверамиз,
Эрка гуллар арзандасидек.
Енгил-енгил қадам босаман,
Жуда узоқ қувламасин деб.

Туртинаман тошларга атай,
Дарахтларга бўламан кулги.
Жилмаяман у келмаганда,
Келмагандай гўёки ўлгим.

Жаҳли чиқар билиб қолса гар,
Сездирмайман йиғиларимни.
У билади – энг жасур аёл
Кечириб юборар ғанимни.

Ҳазилларим унут бўлар, сўнг
Тошлар аро сокин гуллайман.
Гар қоқилсам тутиб қолар Кўк,
Гар қуласам, Кўкка қулайман.

Ғози РАҲМОН



ТОШБАҚА ТИШЛАГАН БОЛА

ҲИКОЯ

Катта ўғлини урушга, кейингисини тоғ ортидаги Улус тарафга машоқ тергани жўнатган Ойша кампир чолининг кечадан бери тактак – ёввойи арпа тергани тоғга кетиб, қайтиб келмаётганидан хавотирда. У дастурхондан олган бир бурда нонини кўзига суртиб, етти ёшли кенжатойи Норхўжага берди. Кейин деворга илинган от-тўрвани кўлига тутқазиб тайинлади:

— Болагинам, Қалқама қишлоғи йўлини биласан-а. Ўтган йили боргандик. Қирма-қир юриб, ўша овулга Мадихон поччангникига борасан. Поччанг яқинда тошбақа қабул қиладиган ширкат очганмиш. Бир хуржун тошбақа териб берганга бир кило ун бераётганмиш. Оғзимизни очиб ўтираверсак очдан ўламиз. Нонни кета-кета еб ол-да, зипиллаб қирдан тошбақа териб кет. Поччангни феъли нозик. Қуруқ кўл билан бормаганинг маъқул. Опангга айтгин, оч қолдик дегин, отамни икки-уч кундан бери дараги йўқ, дегин. Беш-олти кун ўша ёқда туриб, тошбақа териб топширгин-да, 3-4 кило ун йиққин. Хўпми, болам.

Тошбақа сўзини эшитиб Норхўжанинг эти жунжикиб кетди. Азалдан уни ёмон кўрарди. Тирноқлари бирам хунук. Ўзидан атиги икки ёш катта Абила – Нарзуллахон оғайнисининг айтишича, тошбақа тишласа, оқ эшак ҳанграмагунча қўйвормас экан. Ушлаб халтага солаётганда тишлаб олса-чи? Йўқ, йўқ, у тошбақа теришни эплолмайди. Айтганча, поччаси тошбақани нима қилади. Унинг гўшти ҳаром-ку. Наҳотки, поччаси тошбақа гўшти еса?

– Она, поччам тошбақа гўштини нима қилади?

– Эҳ, нимасини сўрайсан, болам. Поччангнинг бир татар ошнаси бор эмиш, ўша тошбақа косаси орасидан гўштини айириб олиб, тузлаб, қотириб, уруш бўлаётган тарафларга жўнатар эмиш. Бор, болам, бир-икки кунда бир халта терсанг ҳам наф. Шудгор тарафда кўп бўлади.

– Майли, майли, – дедию халтани бўйнига осиб, йўлга тушди. Онаизор кўзига ёш тўлиб, шу кўз ёш ичига бутун борлиғи билан ғарқ бўладигандай жойида бир қалқиб тушди.

Норхўжа бора-боргунча уватлар ёқалаб, жар тагларини кўриб, ўнтача тошбақа териб, халтасига солди-да, пешинга қолмай опасиникига кириб борди. Опаси Муҳаррам унинг қўлидан халтасини олиб, бир четга қўйди-да: "Айланай-ўргилай, ўзимни йўқлаб келган полвон укамдан", дея қизариб кетган юз-кўзларидан чўлп-чўлп ўпиб, уйга киргизиб, қорнини тўйғазди. Онасининг тайинлаган гапини эшитиб, опа роса қувонди.

– Майли, айланай, бизникида юравер. Тошбақа териб келсанг, поччанг дафтарга ёзиб, сенгаям ун беради. Вой айланай, ўзимнинг нон топар укамдан!

У эртаси куни тошбақа қамалган омборни кўрди. Вой бў, ана томоша. Ичида ҳар тошбақалар борки, салкам сандиқдай келади.

Аҳмадуллин – Аҳмад обзий уларнинг қассоби экан. Обзий кун бўйи тошбақа сўяр, худди балиқ сўйгандек қатор қилиб териб, тузлаб қўяверар экан. Кейин ёғоч бочкага солиб, Яккабоғга поезд бекатига олиб кетишар экан.

Норхўжа ҳар куни субҳидамда қорнини тўйғазадию кетади. Чошгоҳга қолмай халтасини тўлдириб қайтади. Бу пайт болалар тошбақа тергани энди уйдан чиқаётган бўлади.

Норхўжа ҳисобича йиғилган тошбақа ўн килога яқинлашиб қолди. Бу яқин атрофда тошбақа қолмади, ҳисоб. Тошбақа териш дарёдан тош териш эмас. У терилмайди, пойлаб ов қилинади. Бу дала тошбақаси шундай ҳушёрки, узоқдан одамнинг шарпаси эшитилдими, бирдан ўзини панага олади. Норхўжа эса шовур қилмай бориб таппа босади.

У узоқроққа, Монис яйлови тарафга боради. Бугун чиқиб келса бас, эртага уйига қайтади. Онасини соғинди. Монис яйловига эртароқ етиб келиб, кун ёйилишини кутди. Офтоб ёйилмаса тошбақа кўпам уясидан чиқавермайди. Марзага минг қўйли бойдай ёнбошлаб, офтоб чиқишини кутиб ётди. Кўндаланг тушган Ҳезалак адирлари ортидан биров туякўз ойнача қаратгандай офтобнинг боши кўринди. Унинг тўғрига кетган чўзинчоқ нурлари сойдаги Норхўжани "кўрмай" тўппа-тўғри кун ботишдаги Ҳисор чўққиларига бориб урилди. Чўққи бошидан хира туман кетиб, тоғу тошлар нурга чулғанди. Худди шуни кутиб тургандай чўққи белидан бир бургут кўтарилди-да, кумушга ботирилган нур бўйлаб кун чиқиш тарафга сузиб кетди. Ким билади қаёққа? Ёруғлик эса жуда секин чўққини забт этиб, пастга эна бошлади. Эҳ-ҳе, ёруғлик Норхўжани топгунча қанча вақт бор. Унгача бир мизғиб олса бўлади. Тошга тўрвасини қўйиб ёнбошлади. Кейин чалқанча ётган эди, уйқу элитди.

Қанча ухлаганини билмайди, тушига онаси кириб, зорланиб турганмиш:

– Тур ўрнингдан, болам, тезроқ турақол, қара, нарёқдан қир ёниб келаяпти. Ҳозир усти-бошингга илашади.

Тураман, деса кўкрагидан алланарса босиб, сира қўйвормасмиш. «Дод-вой» дегани овози йўқ. Бир пайт кўрсаттич бармоғи чимиллаб оғриб, вой-войлаб ўрнидан туриб кетди. Қараса, калтагина илон билтанглаб қочиб кетяпти. Бармоқ учига тиши ботган. Илгари ит тишлаганда шундай бўлганди. Бирпас ўзини йўқотдию дарров ўнгланди. Йиғлаб ўтирган билан кимсасиз далага ким келарди. "Дод-вой"ингни кимам эшитарди. Бирдан отасининг айтгани ёдига тушди. Илон чақса, нарёғидан қисиб боғлаш керак. У жон ҳолатда тўрвасининг боғини суғуриб олиб, бармоғининг икки жойидан боғлаб, халтасини қўлтиғига тиқиб, опасиникига чопди.

– Опажон, ўлдим, илон чақди.

Муҳаррам уни кўриб шундай қичқирдики, бутун Қалқама сойи зириллаб кетди.

– Ҳой одамлар, Норхўжани илон чақди! Укамни илон чақди!

Бирпасда ҳовлига одам тўпланди. Аҳмадуллин ўткир пичоқчасини олиб арокка ботирди, ярани "қўшув" қилиб тилди-да, ҳовлидаги боғлоғлиқ отни миндириб рус дўхтирга жўнади. Бахтига дўхтир уйида экан, дори-дармон қилди. Оғриқ пасайди.

Тунда эса зўрайди. Мадихон поччасининг илон аврайдиган дуохонлик одати бор эди. Ярим тунгача тинмай дуо қилди. Алламаҳал экан, Норхўжа кўзини очса, пойгакда ўша калтамор илон бошини эгиб турибди. Поччаси унга бир нималар деб, уч марта бошини силади. Илон секин ерга бош қўйиб, жон берди. Ёпирай, ёпирай, дея Норхўжани уйку босди. Шу кеча Норхўжа онасининг тушига ҳам ёмон бўлиб кирди. Она тонгда чолига ялиниб-ёлвориб, Қалқамага югуртирди. Отаси етиб келганда, Норхўжа бироз ўзига келиб, кўзини очган, нима бўлганини эслолмай, шифтга тикилиб ётган эди.

– Вой болагинам, тошбақа териб, нон топаман деган болам, нима бўлди сенга, полвонгинам?..

– Ҳеч нарса, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Тошбақа тишлади. Ярим кечага бориб қўйворди. Ота, ўн кило ун йиғдим!

Унинг оғриқ азобидан киртайган кўзларидан ёш тўлиб-тошди, бирдан қовоқ атрофини тўлдириб, кейин ундан ошиб опасининг уйини, кейин бус-бутун қирларни ва бора-бора жамики борлиқни ўз домига тортиб бораётган эди...

«СУРАТИ ХУШ ВА СИЙРАТИ ДИЛКАШ...»

Бошланиши 1-саҳифада.

Мазкур хабар ва ишора асарнинг Навоий фаолияти ёритилган яна бошқа иккита лавҳа баёнида хабар ичида хабар тарзида ҳам тамсиллар қилинган. Умуман, мемуарда ёзилишича, «мураббий ва муқаввий»лик темурий ҳукмдорлар, йирик мулкдорлар маънавияти, фазилати, услубига айланганини кўрсатади. Чунончи: «Мир Алишер Навоий Ҳиридин Самарқандга келган фурсатларда Аҳмад Ҳожибек била бўлур эди. Султон Ҳусайн Мирзо подшоҳ бўлғондин сўнгра Ҳириға келди. Асру улуғ риоят топди». Агар мазкур маълумотга диққат қилсак, унда бир қатор тарихий воқеалар баёни бор. Яъни: йигирма беш ёшлардаги шоир йигитнинг темурийлар давлати бошқарувидаги, яъни Бобур тили билан айтганда, «Темурбекнинг юртида» — Хуросон давлатининг пойтахти Ҳиротдан Мовароуннаҳр давлатининг пойтахти Самарқандга келиши, темурийлар Уйғониш даврининг машҳур фақиҳи Абуллайс Самарқандийдан унинг хонақоҳида икки йил давомида фиқҳ, ҳадис илмлари бўйича олган дарслари, бағрикенг, фозил устози томонидан илмий, адабий иқтидори юксак қадрланиб «фарзанд» мақомида кўрилиши; иккинчидан, фозил шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек билан унинг дўстона муносабатлари аслида Ҳиротдан бошланиб пойтахт Самарқандда давом қилгани; учинчидан, Султон Ҳусайн Бойқаро 1469 йилда Хуросон давлатининг темурий ҳукмдори сифатида дорус-салтанат Ҳирот тахтига ўтирар экан, у қосид — расмий чопар орқали унга расмий мактуб жўнатиб, мусоҳиби Навоийни ўз ҳузурига, Ҳиротга чақириб олиши; тўртинчидан, Султон Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон ҳукмдори сифатида тахтга ўтириш маросимида эса Навоийнинг Султонга қутлов сифатида машҳур «Ҳилолия» қасидасини битиб, тақдим қилиши ва унга мухрдорлик кейинчалик эса улуғ амир лавозимларининг берилиши; бешинчидан, Бобур маълумотда ҳукмдор дўстидан «Асру улуғ риоят топди», деб Навоийнинг саройдаги ўттиз беш йиллик хайрли фаолиятига, қизғин ижодига урғу бериши; олтинчидан, Навоийнинг ҳам ўз навбатида Султон Ҳусайн Бойқарога, хонадонига, хусусан, темурийлар давлати бошқарувининг барқарорлашувига садоқат билан қилган фидокорона хизматлари, кўрсатган сиёсий иродасига ҳамда эришган тенгсиз обрўйи, темурийлар Уйғониш даврининг «Шамс ул-миллат»и ва «Макорим ул-ахлоқ»и деб топилишига, шон-шарафга тўла мазмунли, ибратли шонли ҳаёт йўлига ишора қилиши; еттинчидан эса у ўзининг «Тарихи мулуки Ажам» асарида «Агар бўлса умрумға муҳлат физой», яъни агар умрим вафо қилса, Султон Ҳусайн Бойқарога бағишлаб тарихий асар ёзаман, деб улуғ ният қилиши. Фикримизча, Бобурнинг улуғ шоир ҳақидаги ушбу қисқа маълумотларининг айрим тарихий изоҳ, тафсилотларини Навоийнинг «Хамса», «Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳаббат», «Вақфия», «Тарихи мулуки Ажам», «Лисон уттайр» каби дурдона асарлари ҳамда хасби ҳол характеридаги фасоҳатли шеърларида ҳам ўқиш мумкин.

Масалан, ушбу талқинда унинг «Мажолис ун-нафоис»да темурийлар Уйғониш даврининг фозил шаҳарлари ҳисобланмиш Ҳирот, Самарқандининг фозил ҳокими ва ўзининг «мураббий, муқаввий»сига бағишлаб ёзган «Аҳмад Ҳожибек» номли фикрасидир. Навоий ва Бобур ёзган тарихий маълумотларда ўзаро муштарак тарихий, адабий ҳодисаларни кўрамиз, Бобурнинг «Мир Алишер Навоий Ҳиридин Самарқандға келган фурсатларда Аҳмад Ҳожибек била бўлур эди», деб айтган изоҳининг моҳиятини тўлароқ англаймиз, улуғ шоир ёзган фозил ҳокимнинг ҳасби ҳоли билан боғлиқ ишончли маълумотлар билан танишамиз. Унинг ўз замонида ўта маданиятли шахс, муомала одоби юксак ва маънавиятли ҳоким бўлганини ифодаловчи «Сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атвори писандида йигитдур», деб битган эътирофидан хабардор бўламиз. Унинг лирикасидан намуна сифатида тазкирада келтирилган форс тилида битган

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий юришлари ҳамда саркардалик истеъдоди ҳақида ўзбек олимлари ва дунё тарихчилари томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Унинг янги-янги қирралари олимларни ҳануз ҳайратга солмоқда. Рус шарқшуноси Николай Иванович Веселовский ёзганидек, "Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган: унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди".

Бобур 1507 йил бошларида Ҳиндистонга юриш бошлайди. Аммо дастлабки уриниши муваффақиятсиз тугаб, пойтахт Кобулга қайтади. 1519 йил баҳорига келиб, Ҳиндистонни забт этиш режаларини қайта амалга оширишга киришади, 5-6 йил мобайнида бир неча юришлар уюштиради. Бобур аввалига элчи жўнатиб, масалани урушсиз ҳал қилишга ҳаракат қилган. "Панжшанба куни раби ул-аввал ойининг ғуррасида, бу жиҳаттин Мулло Муршидни Султон Иброҳимғаким, отаси Султон Искандар ўшул беш-олти ойда ўлуб, Ҳинд салтанати мунга тегиб эди, элчиликка таъйин қилиб бир қарчиғой йибориб, қадимий туркка тааллуқ вилоятларни тиладук", деб ёзади у "Бобурнома"да.

Қадимий туркка тааллуқли вилоятлар деганда Бобур Деҳлининг азалдан туркий ҳукмдорлар измида бўлгани ва ўз даврида Амир Темур салтанатига қўшиб олинганини назарда тутган. Ҳиндистонлик тарихчи ва сиёсий арбоб К.М. Паниккар бу тўғрида жуда ҳаққоний баҳо берган: «Бобур Осиёнинг ҳар қандай мамлакатини эгаллаб, уни меросий мулк деб ҳисоблаши мумкин, негаки, унинг аждодлари бутун дунёни эгаллаб, ҳукмронлик қилган».

Бобур уруш манзараларини тасвирларкан, ғалаба ва мағлубиятни ҳарбий куч, аскар ва зобитлар сони, ҳарбий восита, қуроллар кучи ва ўлчови билан белгилайди, қиёслайди, солиштиради. Унингча, ғалабага эришиш учун рақибдан аскар сонига кўра устун бўлиш шарт эмас. Масалан, Деҳли ёнидаги жангда ҳиндлар ўз даврида Амир Темур қўшинларига қарши 30 минг аскар ва 120 та жанг филларини қарши қўя олган бўлсалар, Бобур Мирзонинг салкам 12 минг қўшинига эса улар юз минг кишилик армия ва икки мингга яқин жанговар филларни рўбарў қилдилар. Ушбу жангда кучлар нисбатига кўра Бобурнинг ғалаба қозонишини ақлга сиғдириш қийин эди. Лекин ана шундай ақл бовар қилмас ғалабани қўлга киритиши Бобурнинг ҳарбий санъати нақадар юксак бўлганини кўрсатади.

«Бобурнома»да Панипат жанги батафсил баён этилган. Унда тадбиркор, бир гўзал ва ниҳоятда мазмунли матласи билан танишамиз.

«Бобурнома»да битилган Навоийнинг нурли сиймоси гавдаланган тўртинчи тарихий лавҳа ниҳоятда ибратли ва жуда таъсирли бўлиб, унда улуғ шоирнинг оддий, «кичкина» одамлардек ўксиб, ўкиниб, сиқилиб узоқ йиғлагани айтилган. XV аср ҳаёти, улуғ шоирнинг мулк иши ва кўнгул ишининг бир парчаси акс этган ушбу ибратли тасвирда икки нафар улуғ сиймонинг тарихда жуда камдан-кам учраши мумкин бўлган ўзаро мулоқотлари битилган. Ҳамда диалог усулига қурилган мулоқотда ростлик, холислик ифодаланганини, сир сақлаш, аҳд ва шарт талқин қилингани билан ҳам ажралиб туради. Ушбу таъсирли лавҳада давлат раҳбари Султон Ҳусайн Бойқаро ва давлат арбоби улуғ амир Навоийнинг бир-бирини нафақат ижодда, давлат бошқаруви билан боғлиқ мулку миллат ишларида, балки қалбан, руҳан ҳам якдил, ҳаммаслак эканлиги чин маънода очиб берилган. Агар буюкларнинг ўзаро муносабатларидаги нозик, маҳфий нуқталарни рамзий маънода тушуниб баҳоласак, «муҳри ихфо»(маҳкамлаш муҳри) ҳолати акс этганини кўрамиз. Мавлоно Жалолиддин Румий сўзлари билан айтганда эса «Ичингдаги ичингдадур» деган ҳикмат мужассам эканлигини англаймиз.

Бу ибратли «муҳри ихфо» ҳолатини «салтанат дағдағаси», «мулкгирлик доияси»ни олтин бошидан кўп бора ўтказган, юрагида қайта-қайта ҳис қилган шоҳ ва шоир Бобур ҳам таъсирланиб ёзганига ўхшайди. Чунончи: «Бир кун Алишербек била Мирзонинг орасида бир суҳбат ўттиким, Мирзонинг тез фаҳмлилиға ва Алишербекнинг риққати (юмшоқлик, мулойимлик, кўнгли бўшлик) қалбиға долдур. Алишербек сиррий (борий) сўзларни Мирзоға гўшака (бурчак, хилват, чекка жой) ғалаба(қилиб) айтти. Доғи дедиким: «Бу сўзларни унутинг!» Мирзо филфол айттиким: «Қайси сўзларни?» Алишербек бисёр мутаассир бўлуб кўп йиғлади».

Бобур «Бобурнома»да битган Алишер Навоий ҳақидаги маълумотларнинг ҳар бирида, хусусан юқорида биз тилга олган лавҳаларда ҳам, биринчидан, гениал шоир, улуғ амирнинг бетакрор олами, буюк шахсияти, ҳаёт ва ижоддаги ўзига хос навоийона услуби мужассам бўлган. Иккинчидан эса, темурийлар Уйғониш даврига хос тараққиёт, қизғин ҳаёт ва ижод ҳамда бир қатор тарихий характердаги адабий, илмий, маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳам ўз ифодасини топган.

Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди

ГУЛ КЎЙИДА БУЛБУЛ КАБИ...

Бобур лирикасида мусиқа ва тасвир

Заҳириддин Муҳаммад Бобур кенг миқёсда ижод қилган. У бизга маълум асарларидан ташқари Ҳарб рисоласи" ва "Мусиқа рисоласи"ни ҳам ёзган. Бироқ бу рисолалар ҳанузгача топилган эмас.

Бобур санъатни теран тушунган, ҳатто ўзи мусиқа басталаганига оид далиллар ҳам бор. Мисол учун, "Бобурнома"нинг ҳижрий 926 (милодий 1519 – 1520) йилга доир саҳифаларида бир мухаммасга "Чорғоҳ" савтини боғлаганини ёзади. Яна айтади: "Неча маҳал эди, мундоқ нималарга машғуллуқ қилмайдур эдим. Манга ҳам дағдаға бўлдиким, бир нима боғлағаймен...".

Яна "Аруз рисоласи"нинг бир қанча ўринларида мақом ва халқ қуйлари борасида ажойиб маълумотларни ҳам қистириб ўтади. Шу жиҳатларнинг ўзиёқ унинг мусиқа санъати борасида алоҳида асар жамлашга киришганини тасдиқлайди. Лекин бу асар ҳозирча фанга маълум эмас.

Бобур девон таркибидаги бир неча шеърларида ҳам мусиқа билан боғлиқ ёндашувлар акс этган. Мисол учун, бир ғазалида ёзади:

Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,
Бир навое "Рост" қил мундоқ мақоминг борида.

Байтнинг мазмунида "мақом" сўзи икки маънода келмоқда: биринчи мисрада ўшал гулюзлининг ишқида булбул нола қилиб, ўтишини кутавериб кўчасида мақом(манзил) қилиб олгани ҳақида гап кетаётган бўлса, иккинчи мисрада ўз ишқингни шундай навога солгинки, "Рост" мақомини эшитган сомеъ ундан хабар топсин, дейилмоқда.

Бу ўринда яна ишқ изтиробини, ёр кутиш интизорлигини мумтоз мақомлардан бўлмиш "Рост" жуда ёркин ва ҳаяжонли ифода этиб беришига ҳам ишора қилинмоқда. Чунки булбул ёр кўйида мақом топганидек, ошиқ ҳам "Рост"да ўз мақомини топади.

Бобур Шарқ мусиқа чолғу асбобларининг моҳиятидан ҳам хабардор эканлигини шеърий мисраларда ифода этади. Айниқса, чанг, най, рубоб, даф (доира) чолғуларини алоҳида санайди. Масалан:

Соз айлаб бир нишотангез чанг, эй дилрабо,
Бенаво кўнглумни ғам чангидан озод айлагил.

Яъни шодлик куйини чангда ижро қилиб, ғамдан чангланиб кетган бенаво кўнгилларни озод қилишни дилрабодан сўралмоқда. Бобур "чанг" сўзини икки маънода келтириб, чиройли сўз ўйини билан бирга мазмунни ҳам чуқурлаштирмоқда. Умуман, чанг созининг шоду хуррамлик ва хурсандчилик куйларини ижро этишга жуда қулай ва мосланганлиги шоир назаридан четда қолмаган. Яна бир рубоийсида шунга монанд фикрларни кенгроқ шаклда беради:

Ноз уйқусидин бирор замон ойилғил!
Гулдек қулуб, эй ғунчадаҳан, очилғил!
Кўнглумни иликладинг чалиб чанг, эй ёр,
Чангингда дурур кўнгул навозиш қилғил!

Даврон ғамин барбод қил, ишрат уйин обод қил,
Жону кўнгулни шод қил овози чангу най била.

Бир маснавийсида эса энди ёр-маҳбуба билан висол онларини айнан бир гўшада ўтказиш кераклиги, бунда албатта, даф, чанг, рубоб ижросида ажиб куйлар ижро этилиши зарурлиги уқтирилмоқда:

Дафу чангею рубобе бўлса...

Мана шу мисолларнинг ўзиёқ Бобурнинг мусиқа санъати ва чолғулари ҳақида яхши билимга эга эканлиги билан бирга, ҳаёти давомида кўп бора улардан баҳраманд бўлганлигини кўрсатади. Айтиш мумкинки, санъаткор шоир санъатдан айро яшамаган.

Шу маънода таъкидлаш зарурки, Бобур лирикасининг энг жозибали ўринларидан бири ёрга мурожаати, унинг таърифи ва ҳолати тасвирини келтиришидир. Диққат этилса, уларнинг барчаси бир ички мусиқий оҳанг билан мисрага тизилгандек тасаввур уйғотади. Бу эса, ўз навбатида, бир гўзал саҳнавий кўринишлар ташкил этадики, беихтиёр шоир маҳоратига қойил қоламиз. Мисол учун, юқорида таъкидланган санъат билан боғлиқ бир рубоийсида ҳам гўзал маъшуқа, ҳам маҳоратли навозанда ва хонанданинг ажойиб тасвирини берган.

Ишванг билан ғамзангни ву нозингниму дей?
Жавринг била сўзингу гудозингниму дей?
Сўзунг, қилиғинг, навозишингму айтай,
Овозу усулингни ву созингниму дей?

Ҳам ишваю ғамзаю ноз қилувчи, шу билан бирга, итобли сўз билан кўнгилга жабр етказувчи одамнинг сўзи, қилиғи ва нозини таърифлаш керакми? Ёки унинг гўзал овозу маҳоратли соз чалишию ниҳоят санъатдаги ўхшаши йўқ усулини тасвирлаш зарурми?

Демак, бу маъшуқа ноз қилишига яраша моҳир санъаткор ҳам экан, шоир унинг қиёфаси билан бирга феълию санъатини ҳам тўрт мисрада тасвирлай олган.

Бир фардида эса ғамга ботиб турган кўнгил гулга монанд ёр келганда очилиб кетишини, мисоли баҳор келганида ғунча очилганига қиёс қилади:

Очилди кўнглум ўшал гулъузор келганидин,
Нечукки, ғунча очилғай баҳор келганидин.

Агар гулзорга кирилганда синган бутоқни кўрсангиз, уни шоирнинг носоғ танига, боғдаги хазон япроқларни эса унинг сариғ юзига ўхшатинг дейилган қуйидаги мисрасига қаранг-а:

Тани зоримни де, гулшанда шохи нотавон кўрсанг,
Сариғ юзумни соғин, боғ аро барги хазон кўрсанг.

Гўёки яхлит бир манзарадек тасаввур беради бу тасвирлар. Энди бунинг яна ҳам тафсилотли ва чуқурроқ тарздаги ифодаси қуйидаги рубоийда акс этган:

Тутмағил, эй гул, равоким ишқинг ичра бир ғариб
Ерга бош қўйғай хазон яфроғи янглиғ сарғариб.
Шаҳрдин безор бўлса не ажаб, безар киши,
Ишқ аро бемор бўлса тонг эмас, бемор ғариб.

Бу шеърда ишқ ичра бемор бўлган ғарибнинг мукаммал сурати чизилган. Шоир унинг ҳолатини даражама-даража тасвир этади. Бамисоли ошиқнинг забунликка тушаётган онларини бирин-кетин саҳнада ижро этаётган актёр қиёфасини бераётгандек. Унга кўра: биринчи – эй гул (ёр, маҳбуба) ишқинг гулини ҳар бир ошиғингга тутаверма, у ғарибинг бўла оладими, йўқми; иккинчи – чунки сенинг ишқингда ошиқ куз япроғидек сарғайиб, ерга бош қўйиши керак; учинчи – безар (яъни пулсиз) киши шаҳрдан безор бўлишига ўхшайди; тўртинчи – ишқ дардида бемор бўлади, ажаб эмаски, ғарибингга айланган бемор бўлса.

Мана, бир ҳолатнинг лирик тасвири. Бобурнинг ўзи ҳам ана шу лирик кечинмалардан айро эмасди. У ўзининг бундай тасвирини бир байтга жо қилган:

Абрашини елдуруб етгач йиқилдим, дўстлар,
Оҳким, умрум дарахтини йиқитти сарсаре.

Яъни отимни қанча елиб-югуртириб етсам ҳам, оҳким, сарсар (совуқ шамол – бу ўринда тақдир шамоли) умрим дарахтини йиқитти, демоқчи. Нақадар гўзал ўхшатиш, шундай эмасми?!

Бобурнинг бутун ички кечинмалари ана шу тахлит тасвирларида мусиқий оҳанг билан йўғрилган саҳнавий кўриниш ўлароқ акс этган.

Отабек ЖЎРАБОЕВ,
филология фанлари номзоди

УЛУҒ БОБОСИДАН УЛГИ ОЛГАН

ишбилармон, моҳир саркарда, қўрқмас жангчи Бобурнинг юксак ҳарбий жасорати ва маҳорати турли қирраларда ўз аксини топган. Уруш Бобур фойдасига ҳал бўлиб, у жуда кам сонли лашкари билан кучли ҳарбий аслаҳа ва воситаларга эга Иброҳим Лўдий устидан ғалаба қозонади. Муҳорабада ғолиб келиш учун лашкар сони муҳим эмаслиги ҳақида "Бобурнома"даги далиллар "Темур тузуклари"даги "Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир", деган тузукнинг исботи янглиғ ёркин таассурот қолдиради. Орадан кўп ўтмай (1527 йили 16 март) Бобур йирик ҳинд саркардаси Роно Санго устидан ҳам зафар қозониб, шимолий Ҳиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини ўзига бўйсундириб олади. Бу жангда Бобурнинг буюк саркардалик маҳорати яққол намоён бўлди. У ўзининг бек ва навкарлари олдида оташин нутқ сўзлаб, барчанинг руҳиятини кўтаради. Жумладан, бундан сўнг шароб ичмасликка қасам ичиб, майхўрлик чоғида ишлатиладиган олтин ва кумуш идишларни уриб синдиради. Ундан ибрат олган уч юзга яқин киши тавба қилиб, руҳини поклайди. Сон жиҳатдан бир неча баробар кўп душманга қарши чиққан аскарлар Соҳибқирон ҳарбий мероси бўлмиш "тўлғама" усулини қўллаб, ёркин ғалаба қозонади.

Ерни ларзага солиб, ўкириб келаётган душман филларига нисбатан Бобур ўзининг буюк бобоси Амир Темур ишлатган яна бир усулни қўллайди – ёндирилган кажава-ғилдиракларни улар томонга юмалатиб юборади. Оловдан қўрқиб кетган филлар оркага бурилиб, саф-саф бўлиб келаётган пиёда аскарларни эзиб, қоча бошлайди.

Артиллериянинг илк шакллари – туфанг ва раъд тўплари ҳақидаги маълумотлар Амир Темур жангларига оид манбаларда учрайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур мазкур аслаҳаларни ислоҳ қилиб, замонасининг энг илғор ҳарбий техникаси даражасига етказади. Ҳинд минтақаси аҳли жанг майдонида ҳали бу аслаҳага дуч келишмаганини билиб, ундан руҳий таъсир воситаси сифатида ҳам фойдаланади: «Бажавр эли чун туфангни кўрмайдур эдилар, туфанг унидин ҳеч парвое қилмадилар, балки туфанг унини эшитгач тамасхур қилиб, мукобалада шаниъ ҳаракатлар қилурлар эди. Ўзга туфангдозлар ҳам туфанг отмоқта бисёр жалодат кўрсатиб, яхшилаб оттилар. Қалқондин, жибадин, говсардин ўткара-ўткара, йиқита-йиқита оттилар. Андин сўнгра андоқ эдиким, туфангнинг зарбидин бош чиқара олмаслар эди».

Тарихчилар фикрича, Бобур томонидан қўлланилган артиллерия Ҳиндистон заминида биринчи бор қудратли кучга эга эканини исботлаган. Панипат жангидан сўнг Бобур ўз муҳандис-усталарига каттароқ ҳажмдаги тўплар ясашни буюрган. 1525 йил воқеалари баёнидан бошлаб, «Бобурнома» саҳифаларида Устод Алиқули — тўп ясовчи уста номи тез-тез келади: «Устод Алиқули ҳам ғулнинг олдидин неча қатла яхши фарангилар отти. Мустафо тўпчи ҳам ғулнинг сўл қўлидин ароба устидаги зарбзанлар била яхши зарбзанлар отти».

Тарихий манбаларда боболаримиз қўлларга қурроллар ва уларни такомиллаштириш ҳақидаги қайдлар жуда кам. Бобурнинг юқоридаги битиклари орқали эса ҳарбий аслаҳалари қаторида аробаларга ўрнатилган "зарбзан" номли қурол ҳақида ҳам бирмунча маълумот олиш мумкин.

Ўз даврига хос илғор ҳарбий-стратегик тафаккур борасида Бобур улуғ Соҳибқиронинг муносиб издошидир. У қўшин таъминоти, захира, жанговар машқлар ва бошқа омилларни пухта йўлга қўйгач, Устод Алиқули билан бирга артиллерия аслаҳасининг янги намунасини яратишга киришади. Узоқ изланишлар ўз натижасини беради: мисли кўрилмаган, 1500—2000 метргача бўлган нишонни уришга қодир тўплар яратилади. Ниҳоят, тўпни синаб кўрадилар. Бу қурилма тошни бир ярим чақирим масофага ёки Бобурнинг ёзишича, «минг олти юз қадам»га отар эди. Бундай қурилманинг яратилиши XVI аср бошларидаги ҳарбий техниканинг катта ютуғи саналади. Бу аслаҳадан Иброҳим Лўдийнинг аскарлари ваҳимага тушади, тўплардан ғаниммнинг кемаларига қаттиқ зарбалар берилади: «Бир неча кун кўпрук боғлагунча устод Алиқули яхшилаб тош отти. Аввалғи кун секкиз тош отти, иккинчи кун ўн олти тош отти». "Бобурнома"да ёзилишича, бу тўпларнинг қозони ва саккизта қўраси бўлган.

Қуйидаги маълумот Бобур артиллерияси қудратини яққол кўрсатади: Бобурдан уч юз йил кейин, яъни XIX аср бошларида, ўзи асли артиллериячи бўлган Наполеоннинг қўшинидаги замбараклар 500-600 метрдан нарига ота олмаган!

Фаранг жаҳонгири Наполеоннинг тўплари оппоқ тутун пуркаб, гумбурлаб ўқ отаётганини киноларда кўп кўрганмиз. Аммо Бобурнинг улардан уч баробар узоққа отувчи тўпларини киноларда кўриш тугул, тасаввур ҳам қила олмаймиз. Чунки улар деярли ўрганилмаган, асарларда ва кинофильмларда акс этмаган. Бинобарин, таниқли олим Ҳасан Қудратуллаевнинг ушбу мавзудаги тадқиқотлари асосида бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олиш фурсати келди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳарб илмига бағишланган "Ҳарб рисоласи"ни ҳам ёзган. У барпо этган қудратли артиллерия Ҳинд диёрида тараққий этган бўлса-да, ғояси Туркистон ўлкасида туғилган, уни қурган муҳандислар ва маҳорат билан қўллаган жангчилар ҳам шу юрт фарзандлари эди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

БОБУР ВА МАҚОМ САНЪАТИ

Бошланиши 1-саҳифада

Умаршайх Мирзонинг муносиб давомчиси бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмдорлик даврига келиб бу ижодий анъаналар янада юксалган эди. Зеро, у илм ва санъат аҳлини мудом қўллаб-қувватлаган, "Бобурнома" саҳифаларида Хожа Абдулло Марварий, Қул Муҳаммад Удий, Шайх Ноий, Юсуф Али, Мулло Ёрак, Шоҳқули Ғижжакий, Ҳусайн Удий, Мавлоно Шиҳоб Муаммоий, Фахриддин Қўбизчи каби кўплаб мусиқа устозларига ҳаққоний таърифу тавсифлар берган. Қолаверса, тақдир қисмати мураккаб ва суронли ижтимоий-сиёсий воқеалар гирдобида кечган Бобур Мирзо ўзининг ноёб истеъдод қирраларини шеърият билан бирга мақом санъатида ҳам намоён этишга фурсат топган, аруз ва мусиқа илмларига доир махсус рисолалар битган. Бу ҳол унинг адвор илмидан яхши хабардор бўлганини ҳам англатади. Адвор илми асосидаги Ўн икки мақом амалиёти эса ўша давр мусиқачилари – бастакорлари, хонанда ва созандалари учун мумтоз мусиқанинг асосий мезони ва юксак тимсоли бўлган.

Бу мураккаб мақом илми ва санъати бўйича Тошкент ва Фарғона водийсида донг таратган устозлар ҳам бисёр эди. Хусусан, Хожа Юсуф Андижоний, Хожа Бобо-Инок, Мавлоно Шоҳусайн Тошкандий, Мирза Араб Қўнғиротий, Хожа Ҳамза Тошкандий шулар жумласидандир. Лекин шуниси ҳам маълумки, XVIII — XIX асрлар давомида Ўн икки мақом асосида Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари каби яхлит салобатли туркумлар Бухоро ва Хива саройларида қарор топган. Аммо мазкур тизим Фарғона водийси ва Тошкент касбий мусиқачилари орасида ҳам амалий қўллаб келинган бўлса-да, кейинги тадрижи яхлит туркумни ҳосил этмаган, алоҳида "тарқоқ" кўринишли чолғу ва ашула йўлларидан иборат бўлиб қолган. Назаримизда, бунинг асосий сабабларидан бири – Ахси саройида фаолият кўрсатган санъаткорлар – яллачи ва мақом устозларининг тақдири билан бевосита боғлиқ.

Тарихдан аёнки, Бобур Мирзодан сўнг Ахси саройи маданий анъаналари Жаҳонгир Мирзо ва бошқа ҳукмдорлар қўли остида XVII аср бошларига қадар давом этган. 1620 йилда рўй берган кучли зилзила оқибатида Ахси саройи санъаткорлари тарқалиб кетганлар ва касбий фаолиятларини водийнинг турли маданий марказлари ҳамда Тошкентда давом эттирганлар. Шу аснода мақомларни яхлит туркум ҳолига келтиришда муҳим илмий-ижодий марказ вазифасини бажарган сарой маданий муҳити ўз аҳамиятини йўқотган эди. Пировардида эса, кенг ҳудудлар бўйлаб ёйилиб кетган мақом намуналари бизгача тарқоқ кўринишли Фарғона-Тошкент мақом йўллари тарзида етиб келишининг асосий сабабларидан бири шу бўлган.

Шу ўринда Шашмақомдаги мўғулча шўъбаларининг юзага келишида Бобур Мирзо фаолиятининг алоқадорлиги масаласи хусусида тўхталиб ўтсак. Тақдир тақозоси билан Бобур Ҳиндистонда асос солган буюк давлат ҳукмдорлари ва сулола вакиллари яқин ўтмишга қадар "буюк мўғуллар" номи билан юритилган. Шашмақом таркибидан ўрин олган "мўғулча" атамасининг келиб чиқиши ҳам шу сулола мусиқа маданиятига бориб боғланади. Инчунин, Бобур забт этган заминда она юрт тароналари, жумладан, сарой мақом анъаналари янги таснифу талқинларда давом эттирилган. Бобурийлар давлатида фаолият кўрсатган Муҳаммад Ғиёсиддин қаламига мансуб "Ғиёс уллуғат" (XVIII аср) қомусий асарида мақом шўъбалари қаторида "Фарғона" атамасининг келтирилгани бунинг далилларидан биридир.

Бундан ташқари, мудом она юрт соғинчи билан яшаган Бобурнинг таклифи билан унинг саройига Мовароуннаҳрдан таниқли мақомчилар тез-тез ташриф буюрганларки, шу тариқа мовароуннаҳрлик санъаткорлар ҳам Ҳиндистондаги сарой мусиқа анъаналари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлганлар. Хулас, ана шундай яқин маданий алоқалар ҳосиласи ўлароқ Бухоро "Шашмақом"ининг иккинчи гуруҳи асосий шўъбаларидан бўлган савтлар қаторида мўғулча номли шўъбалар ҳам ўрин олгани тахмин қилинади. Бу масалани мубоҳаса этишда "Шашмақом" иккинчи гуруҳида келган савт шўъбаси ва унинг мусиқа истилоҳидаги тушунчалари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис савтлар ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Араб тилидан олинган "савт" атамаси "Шашмақом"га қадар мусиқа илми ва амалиётида турли мазмун касб этиб келган. Қомусий алломалар – Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Сино яшаган даврларда у дастлаб оҳанг, мусиқани ташкил этувчи товуш ва умуман, баланд-текислиги аниқ бўлмаган товушларни ҳам англатиб келган. Тахминан XV асрдан бошлаб у муайян шакл асосида басталанувчи ашула йўлини ифодалай бошлаган. Жумладан, Дарвиш Али Чангийнинг (XVII аср) мусиқага оид машҳур рисоласида шу хилдаги савтлар XV–XVII асрларда жуда кўплаб ижод этилгани таъкидлаб ўтилади. Лекин ўтмишдаги рисолаларда "мўғулча" атамаси ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот учрамайди. Ҳатто Бобурийлар сарой мусиқасига оид мусиқа намуналарида ҳам бундай атама қўлланмагани маълум. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, "Шашмақом" таркибида келган "мўғулча" атамаси ҳам аслида савт шўъбасининг бир кўринишидир. Айни вақтда бу ҳар иккала шўъба усуллар нисбати ва туркумланиш нуқтаи назаридан ўзаро ўхшаш бўлгани ҳолда, "Шашмақом"нинг биринчи гуруҳида келган сарахбор, талқин ва наср шўъбаларидан сезиларли даражада фарқ қилади.

Хусусан, савт ва мўғулчалар беш ҳиссали мураккаб, маълум маънода ҳарбийча интизомлашган мардонавор усул негизида ифодаланади. Бунда фақат уларнинг куй-оҳанглари ўзаро фарқлидир: устоз олим Исҳоқ Ражабовнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, савтлар биринчи гуруҳ шўъбаларидан, асосан, насрларга акс-садо, яъни жавоб (назира) тариқасида келса, мўғулчалар эса кўпроқ сарахбор шўъбаларига назира қилинган ашула йўлларидир. Лекин савт ва мўғулча шўъбалари бир хил номли доира усуллари(талқинча, қашқарча, соқийнома ва уфар)да бирин-кетин ижро этилувчи шохобчалари билан бирга кўпроқ Фарғона-Тошкент мақом ашула йўллари (Баёт, Чоргоҳ, Гулёр-Шаҳноз каби)га хос беш қисмли туркумни ташкил этади. Шунингдек, ҳар бири алоҳида-алоҳида беш қисмли савт ва мўғулча шўъбалари пировардида ўзаро боғланиб, йирик туркумни ташкил этмайди, балки Фарғона-Тошкент мақом ашула йўлларига хос "тарқоқлик" хусусиятини ўзига хос тарзда ифодалайди.

Яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, савт ва мўғулча туркумларида водий яллачилигида азалдан ривож топган рақсбоп усуллар (қашқарча, соқийнома, уфар) устуворлик қилади. Жумладан, қашқарча номли ўйноқи усул ва шунга монанд оҳанглар дастлаб Ахси сарой яллачилари томонидан ижодий ўзлаштирилган бўлиб, сўнгра мақом туркумларида ҳам инъикос этган эди. Бу ҳол бежиз эмас. "Чунки Андижонда истиқомат қилаётган кўп сонли (водийнинг бошқа вилоятларига нисбатан) уйғур аҳолисининг миллий қўшиқлари бу ҳудудларда маълум ва машҳурдир" (Н.Турғунова. "Фарғона водийси яллачилик санъати", 2016, 83-бет). Шу ўринда Бобурнинг ўғли Ҳумоюн туғилиши шарафига ўтказилган тўй манзараси тасвирланган миниатюрага эътибор қаратайлик. Бунда сарой мусиқачиларининг иштироки уч кўринишли ўзгача монтаж услубини эслатади: биринчи даражани Бобур Мирзога яқин масофада туриб уд чалаётган мусиқачи ташкил этади. Бу эса саройда мақом санъати алоҳида нуфузда бўлганини англатади. Чунки "созлар султони" уд – Ўн икки мақом тимсолидир. Кейинги ўринни рақс тушаётган ва доираларда шўх усуллар чалаётган яллачи аёл санъаткорлар эгаллайди. Миниатюранинг қуйи қисмида акс этган қилич билан рақс тушаётган эркак ва сурнай-ноғоралар чалаётган ансамбль эса ўша даврда кенг урф бўлган мардонавор ҳарбий рақсни тимсоллайди. "Бобурнома"да бундай раққослар "ажиб усул соҳиблари" қаторида тавсиф этилади. Бу каби сарой мусиқа анъаналари савтларда бир тартибда интизомлашган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Қолаверса, Бобур Мирзонинг ўзи ҳам мақом савтида бастакорлик қилган: "Мулло Ёрак панжгоҳда мухаммас даврида боғлаён нақшини ўткарди. Яхши нақш боғлабтур. Неча маҳал эди, мундоқ нималарға машғуллуқ қилмайдур эдим. Бу тақриб ила "Чоргоҳ" савтини боғладим. Нечукким, маҳаллида мазкур бўлғусидир" ("Бобурнома", 271 бет).

Шашмақом савт ва мўғулча туркумларида Фарғона-Тошкент маҳаллий мусиқа услубига хос сифатлар бадиий инъикос этгани шубҳасиздир. Энди мақомлардаги "мўғулча" атамаси юзага келишидаги асосий иддаога ўтсак. Тарихдан маълумки, XIX аср ўрталарига келиб Бобурийлар сулоласи тарих саҳнасида ўз фаолиятини тугаттан эди. Шу сабаб сарой мақомчилари она юртларига қайтиб, шу ҳудудларда ўз фаолиятларини давом эттирган бўлишлари ва, жумладан, Шашмақом иккинчи гуруҳ шўъбалари шаклланишига ҳиссаларини қўшган бўлишлари ҳақиқатга яқиндир. Зеро, савт ва мўғулчаларнинг Шашмақом таркибидан ўрин олган пайти ҳам шу тарихий даврга тўғри келади. Демак, тахминга кўра, мўғулча деганда савтнинг, аниқроғи, унинг "мўғуллар" деб аталиб келинган, аслида эса Бобурийлар орасида жорий этилган маълум фарқли шаклу шамойили назарда тутилган. Шунга кўра, Шашмақом туркумида шартли қўлланган бу атамадаги "ча" қўшимчаси савтни мўғулча йўсинида ижро этиш деган маънони англатиб келади. Мақомлар билан боғлиқ юқорида мухтасар қайд этилган масалаларга янада ойдинлик киритиш борасида Бобур Мирзо ва Бобурийлар маданий ҳаёти билан боғлиқ илмий меросни махсус тадқиқотлар асосида атрофлича ўрганиш мусиқашунослик ва манбашунослик соҳалари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Оқилхон ИБРОҲИМОВ,
санъатшунослик фанлари доктори,
профессор



РАССОМ НИГОҲИ

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА

Қашқадарё вилоятининг Жейнов шаҳарчасида туғилган ёш рассом Зиёдулла Фармонов дастлаб Қарши ихтисослашган маданият мактабида устози Ш.Алиқуловдан тасвирий санъатнинг бошланғич босқичини чуқур ўзлаштирди. Кейин Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида "Маҳобатли рангтасвир" бўлимида таҳсилни давом эттирди. Ўқиш даврида ўзбек рангтасвирининг илғор вакиллари Б.Обидов, А.Алиқулов, Ч.Бекмиров, Р.Худойберганов, А.Икромов, А.Сагатов сингари устозларидан рассомлик сирларини пухта ўрганди. У талабалик давридан республика доирасида ўтказиладиган турли кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

З.Фармонов рангтасвирнинг турли йўналишларида ижод қилади. Яқинда пойтахтимиздаги Икуо Хираяма халқаро Маданият карвонсаройида очилган "Бўёқларга кўчган ҳислларим" деб номланган кўргазмаси фикримизнинг далилидир. "Иссиқ кун", "Ёмғирдан сўнг", "Қовунчилар", "Жейнов манзаралари" сингари асарлари ўзи туғилиб ўсган қишлоғига меҳр-муҳаббатининг ёрқин ифодаси. Ушбу асарларда ўлканинг нафақат гўзаллиги, балки табиатининг сахийлиги ҳам турли ракурсларда тасвирланган. Ижодкорнинг "Тандир ясовчи аёллар", "Гиламдўз аёллар" каби бадиий жиҳатдан пухта ва аниқ ечимга эга ишларида меҳнаткаш аёлларнинг ўзига хос дунёси, табиат билан уйғун яшашнинг завқи акс этган. Йигирмадан ортиқ портретларида эса қишлоқ одамларининг урф-одатлари, либослари, самимий қиёфалари ортиқча безаксиз, ҳаққоний тасвирланган.

Сарвара ҚОСИМОВА

БОБУР ИЖОДИДА ВАТАН МАВЗУСИ

Пойтахтимиздаги Республика болалар кутубхонасида буюк комусий олим, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Республика болалар кутубхонаси директори ўринбосари Р.Амириддиновнинг эътироф этишича, Бобур ижодида "Ватан" тушунчаси инсон туғилган жой, камол топган замин, ота-она, қон-қариндошлар тафтига бурканган мўъжизакор олам, "Ватан соғинчи" эса азим тупроқ, табиат, иқлим, тоғу тошга йўғрилган кенгликлар, дўсту яқинлар дийдорини қўмсашдир.

"Бобурнома" асарининг шуҳрат топишида ёзувчининг Ватанга муҳаббати, юрт соғинчига оид тасвирлари ҳам асосий омил ҳисобланади. Она Ватан соғинчи ижодкорнинг ҳаёти ва ижодининг асосий марказида туради.

– Инсоннинг дарду ҳасратларини, қувончу қайғусини, кишининг Ватанга бўлган меҳрини Бобурдек кенг ифода этиб берган ижодкор жаҳон адабиётида кам учрайди, – дейди Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Аҳрор Алижонов. – Бобур ижодида ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари алоҳида акс эттирилган.

Ижодкор шох сифатида бошига тушганлари, Ватандан айроликни шундай ифодалайди:

Толеъ йўқки, жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишки айладим, хатолиг бўлди.
Ўз ерин қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз каролиг бўлди.

Тадбирда ўқувчи-ёшлар томонидан Бобур ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ саҳна кўринишлари, шоир ғазалларидан парчалар, мумтоз куй ва қўшиқлардан иборат концерт дастури ҳавола қилинди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

Суратда: **Сергели туманидаги 237-умумтаълим мактабида Навоийхонлик кечаси**

Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида "Кумуш" операси ва Муқимий номидаги мусиқали драма театрида "Отабек ва Кумуш" спектакли премьераси бўлиб ўтди. Жонли ижрога, санъатга қизиққаним сабаб дўстларим билан "Кумуш" операсига тушдик. Саҳна декорацияси, оркестр, ижрочиларнинг маҳорати бизда катта таассурот қолдирди.

КИМ НИМАГА МУҲТОЖ?

ЁШЛАР ФИКРИ

Биринчи парда тугагандан сўнг томошабинларга эътибор қилдим: қариялар, бир неча оила, ҳатто чет эллик дўстларимиз ҳам бор экан. Аммо ёш томошабинлардан мен ва икки нафар дўстим бор эдик. Дам олиш куни бўлишига қарамай, томошабинлар сони кутганимдан анча кам экан. Спектакль тугагач, уйга қайтаётиб, нима учун одамлар опера ёки театрларга концертларга караганда камроқ тушиши ҳақида ўйлаб қолдим ва турли олийгоҳлардаги ўқувчи дўстларимга "Опера ёки театрга тушганмисиз?" деган савол билан мурожаат қилдим. Кимдадир етарлича маълумот йўқ, кимдадир қизиқиш, яна кимдадир шунчаки вақт етишмайди. Инсонда қачон қизиқиш бўлмайди? Қачонки унда етарли маълумот бўлмаса. Аввало шуни айтиш керакки, операга ва театр томошаларига аҳолини қизиқтириш учун реклама етарли даражада эмас. Ҳар бир опера асари ва спектаклни оммавий ахборот воситаларида реклама қилиш, ҳеч бўлмаганда йилда бир марта вилоятларга опера ва балет театр артистларининг хизмат сафарини амалга ошириш лозим.

Маърифатпарвар бобомиз Беҳбудий "Театр ибратхонадир", деб бежиз айтмаган. Опера ёки спектаклларни телевизорда кўрган бошқа, жонли ижрода томоша қилган бошқа.

Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ҳатто таълим соҳасида ҳам чет эл методини ўзимизда жорий этишга ҳаракат қиламиз. Улардаги кийиниш, яхши яшаш, ҳаёт тарзига ҳавас қиламиз. Аммо бу даражага қандай эришганлари ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Улар ўзларини яхши кўрадилар, ўзларини ҳурмат қиладилар. Бизга ўхшаб "тик" этган нарсани қўшиқ экан, деб эшитиб кетаверишмайди. Улар классика, ҳақиқий санъат, жонли ижро шайдоси. Бўш вақтларини балет, опера, театр, санъат галереяларида ўтказишади. Тўртта одам йиғилиб қолса, ош дамлаб, ўтган-кетганни ғийбат қилиб, операга борганнинг устидан кулмайди.

Аслида муаммо томошабинлар сонининг камлигида ёки уларда томоша маданиятининг етарли эмаслигида ҳам эмас. Асосий гап маданият ва маърифатда. Чунки аксарият томоша залларида озиқ-овқат ва писта ҳиди, томошабинлар қўлида эса телефонлар. Спектаклни тузук томоша қилмай туриб, танқид қилишади, актёрни қобилиятсизга чиқаришади. Ваҳоланки, актёр илҳомни томошабиндан олади. Очиғини айтганда, маданият, маърифат ўчоғи бўлган театрлар рекламага эмас, халқимиз театрга, операга муҳтож. Ҳаётимизга, яшаш тарзимизга, ўзимизга кўзгу тутади ва бизни тарбиялайди.

Шаҳрибону ФАРМОНОВА

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

ЯНГИ ТОМОША

Ўзбекистон давлат Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган спектакль шундай номланади. Якинда премьераси бўлиб ўтган мазкур саҳна асарида беғубор болалик орзуларига эришишни истаган ўғил-қизларнинг ҳаётда тўғри йўл топишларида муҳим омил — илм-маърифат, китобхонлик, музейларга саёҳат, ўз илми билан довруғ қозонган буюк боболаримизнинг ибратли фаолияти турли кўринишларда намоён бўлади. Тенгқурларининг устидан кулиб, калака қилган, орзулари ушалишига ишонмаган ўсмир музейда беихтиёр сирли оламга кириб қолади: бу ерда Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий сингари улуғ аждодларимиз тимсолига рўбарў келади. Буюклардан куч олган ўсмирнинг фикрлари ижобий томонга ўзгаради. Орзуга эришишда китоб мутолааси, замон талаблари даражасида билим олиш, изланиш ва интилиш зарурлигини тушуниб етади.

Асар муаллифи ёзувчи ва журналист Абдулла Айизов, саҳналаштирувчи режиссёр Зафар Асқаров, саҳналар ва либослар бўйича рассом Евгения Бисерова ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдумаъруф Қодиров. Насиба Юсупова, Баҳодир Аҳмедов, Нафосат Позилова, Зайнура Ниғматова ва бошқа актёрлар ўзларига топширилган ролларни маромига етказиб ижро этишмоқда.

Театр ижодий жамоаси бу саҳна асари орқали ёшларга китоб уларнинг ҳаёт йўлларида беминнат кўмакчи эканини уқтиришга ҳаракат қилган. Саҳнадаги ёшлар томошабинлар билан орзулари ҳақида ўртоқлашадилар ва орзуларга етишишда энг катта кўмакчи китоб эканини, тарихда ўтган буюк инсонлар ҳам мақсадларига етказадиган йўлни китобдан топганларини образли ижро этадилар. Спектаклни тайёрлаш жараёнида таниқли шоир, адиб ва драматургларнинг тарихий асарларига мурожаат қилинди. Устоз санъаткорлар билан биргаликда ёш иқтидорли актёрлар саҳнада истеъдодларини намоён этдилар.

Ойбек ВЕЙСАЛ ўғли,
театрнинг адабий бўлим бошлиғи

ИЖОДКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг жанг майдонларидаги, уруш ортидаги қаҳрамонлиги, жасорати ва фидокорона меҳнатини, тарихий хизматларини халқимизга етказиш ва қаҳрамонларимиз номини абадийлаштириш, ёш авлодни ота-боболаримиз жасоратига муносиб бўлган, бугунги тинч, осойишта ҳаётни асраб-авайлаш ва уни янада мустаҳкамлашга қодир, она Ватанимизга садоқатли инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда «Ғалаба – 75» номли бадиий-публицистик асарлар танловини эълон қилади.

ТАНЛОВ ҚУЙИДАГИ 3 ТА НОМИНАЦИЯ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИ:

- «Энг яхши шеърий асар»;
- «Энг яхши ҳикоя»;
- «Энг яхши бадиий-публицистик асар».

Мазкур номинациялар бўйича 1-ўринни эгаллаган иштирокчилар танлов ғолиби ҳисобланади. Шунингдек, мазкур номинациялар бўйича 2- ва 3-ўринни қўлга киритган иштирокчилар ҳам танлов ташкилотчиларининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

ТАНЛОВ ИККИ БОСҚИЧДА ЎТКАЗИЛАДИ

Биринчиси ҳужжатларни қабул қилиш ва саралаш босқичи. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида январь – апрель ойларида бўлиб ўтади. Унда ҳудудлардаги ташкилий қўмиталар энг яхши деб топган танлов материалларини Республика комиссиясига тақдим этади.

Иккинчиси Республика босқичи. Танловнинг якуний босқичи Республика Маънавият ва маърифат марказида ишчи гуруҳи томонидан май ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади. Бунда ҳудудлардан тақдим этилган ижодий ишлар ўрганиб чиқилади ва 3 та номинация бўйича ҳар биридан энг яхши деб топилган 3 та 1-ўрин соҳиблари ҳамда 6 та ҳар бир номинация бўйича 2- ва 3-ўринга муносиб кўрилган иштирокчилар номи аниқланади.

Танловга 2019 йил апрель ойидан 2020 йилнинг май ойига қадар Республика босма ахборот воситаларида чоп этилган материаллар (шеър, ҳикоя, қисса, роман, мақола ва очерклар) қабул қилинади.

Танлов ғолиби ва совриндорларини тақдирлаш маросимининг куни ва жойи Ташкилий қўмита қарорига асосан белгиланади ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида камида 2 кун олдин эълон қилинади.

Танловнинг Республика боскичига тақдим этилган ишлар сараланиб, Танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг тавсияси билан Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан китоб ҳолида чоп этилади.

Танловда иштирок этиш учун тақдим этилган асарлар бўйича расмий изоҳ ва шарҳ берилмайди.

Танловда иштирок этиш учун ижодий ишлар (электрон ва чиқарилган шаклда) танлов иштирокчисининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий Маънавият ва маърифат бўлимлари орқали ҳамда Республика Маънавият ва маърифат марказининг қуйидаги манзили орқали қабул қилинади:

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 76-уй. Индекс: 100076

Тўёна ташвиши

Бугун ҳам эрта тонгда, соат бешга яқин уйғониб, соколимни наридан-бери қиртишладим, сўнг шошиб-пишиб кийиндим-да, кўчага чопдим: икки жойга ошга боришим керак. Уйим олдида машинаси билан дўстим кутиб турганди.

Икковлон биринчи тўйхонага шошилдик. Машина радиосининг қулоғи буралган, ундан бир йигитнинг шаррос овози келарди. Йигит дунёда замонавий технологиялар кўз илғамас даражада тез ривожланиб бораётгани ҳақида бир нималарни гапираётган эди. Радионинг мурватини баландроқ қилиб бурадим.

Япония олимлари дунёдаги энг митти уяли телфонни яратишибди, катталиги пальтонинг тугмасича экан. Янатағин японлар одамга ўхшаб ҳис-туйғуси бор ажабтовур роботни синовдан муваффақиятли ўтказишибди.

Германия ва Америка автомобилсоз олимлари такомиллашган, тезлиги соатига 100 километр бўлган электромобилни яратишга муваффақ бўлишибди. Олдингиларининг тезлиги 60 км/соатдан ошмаган экан.

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Швецарияда жаҳон олимлари йиғилиб, дунёнинг қандай яралганини, "Буюк портлаш"ни исботлаш учун катта коллайдерни ишга тушириш бўйича маслаҳат қилишаётганмиш.

Англия олимлари коинотда қандайдир номаълум объектни аниқлашибди, шуни ўрганишаётганмиш.

Ҳиндистон эса замонавий компьютерларни ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринларга чиқиб олиб, энди улар ҳам онгли робот ясашга тушиб кетишибди. Инсон юрагини алмаштириш бўйича юқори натижалардан бири ҳам Ҳиндистонда экан.

Тиниб-тинчимас дунё олимлари энди коинотдаги айрим планеталар, масалан, Марс, Юпитер ва Ойда мавжуд бўлган табиий бойликларни Ерга ташиб келиш чорасини излашаётганмиш...

Дўстим кутилмаганда радио қулоғини бураб, пасайтирди.

– Тўёнага пул топдингми, – деб сўради мендан.

– Топдим, – дедим.

– Қанчадан?

– Элликтадан.

– Элликдан кам эмасми? Мен юздан ажратяпман. Улар қизингни тўйига юзтадан қилишувди, чоғи.

– Тўғри... Роса изладим, тополмадим, қарз сўрамаган танишим қолмади.

– Ҳа, тўёна деганиям ғирт бошоғриқ. Аммо қанча оғир бўлсаям, олганни қайтариш керак. Тўй мавсумиям бошланиб кетди. Тўхтасин ҳам қизини чиқаряпти, келгуси шанба эрталаб ош.

– Уф-ф-ф... Майли, келаси шанбагача бир чораси топилар. Тезроқ ҳайда, иккала ошгаям улгуриш керак. Биринчисига 6 да бориб, 40 минутларда қутулиб олсак, еттигача иккинчисига улгурармиз. Яхшиям шаҳарда эрталаб тиқинлар йўқ, бўлмаса, иккита ошга улгуришнинг ўзи бўлмайди.

Худди гапимиз тугагандек, иккаламиз ҳам жим қолдик. Бу пайтда қизиқарли ахборотлар тугаб, мумтоз қўшиқлар дастури бошланган эди. Радио қулоғини бураб, ўриндиқ суянчиғига ўзимни ташладим-да, бир хўрсиниб кўзимни юмдим. Тўйхонагача мазза қилиб, "Жонон бўламан деб"ни эшитиб кетдик.

Ажойиб қўшиқ, дилни яйратади. Шундай буюк санъат асарларини яратган ота-боболаримизга тасанно айтмай иложинг йўқ. Эшитинг: "Жонон бўламан де-е-еб, ҳаммани куйдирасан-му, куйган бу факи-и-ир-р-ларни яна ёндирасан-му?!". Яна "Юз йилга дову-ур шундо-о-қ юрасанму-у-у ёки турасанму-у-у" деган жойи ҳам бор.

М.БЎРОН

"МАТОНАТ МАДҲИЯСИ"

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" жамоат фонди кўмагида Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа уйи томонидан Алиназар Эгамназаровнинг "Матонат мадҳияси" номли китоби чоп этилди. "Адиб ва жамият" рукнида нашр этилган китобга битта қисса ва йигирмага яқин очерк жамланган.

Таниқли адиб ва журналист Алиназар Эгамназаровнинг ижодида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси муҳим ўрин эгаллайди. Сабаби, айни кунда саксон ёшдан ошаётган ижодкорнинг болалиги айнан Иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳамда ундан кейинги иқтисодий қийинчиликлар кечган даврга тўғри келган. Адибнинг уруш ва тинчлик мавзусида қалам тебратишига ана шу омиллар иштиёқ туғдирган бўлса, ажаб эмас.

Жорий йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги кенг нишонланади. Бу ғалабада ўзбек халқининг ҳам муносиб улуши бор. Китобдан ўрин олган қисса ва очерклар жанг майдонларида жасорат ва матонат кўрсатган боболаримиз, миллатдошларимиз ҳақидадир. Айниқса, урушда беш нафар ўғлидан айрилган зангиоталик она — Зулфия Зокирова ҳақидаги очерклар бугунги ёшларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

"ҚОЯТОШИМ"

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" жамоат фонди кўмагида "Камалак" нашриёти томонидан истеъдодли шоира Фароғат Худойқулованинг "Қоятошим" номли янги тўплами чоп этилди.

Дунёни рангин туйғулар билан ҳис қилмоқ — қалб ҳисларининг назмий ифодаси ҳар бир кўнгилни чексиз хаёлот оламига етаклайди. Фароғатнинг шеърларида ёруғ бир дард мужассам. Зеро, унинг дардли сатрларига ҳам мустаҳкам ирода, ишонч-эътиқодга йўғрилган ёркин сатрларнинг эргашиб келиши шундан далолат беради.

"Адиб ва жамият" рукнида нашр этилган ушбу тўплам кирилл ва лотин алифбосида чоп этилган. Муаллифнинг турли йилларда ёзилган шеърлари гулдастасидан иборат мазкур тўплам шеърият мухлисларига манзур бўлишига шубҳа йўқ.

Сайёра МИРСАИДОВА

БИЛДИРИШ

2020 йилнинг 17 февраль душанба куни соат 11.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шеърият кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтади. Унда 2019 йилда нашр этилган шеърий китоблар, газета-журналларда чоп этилган шеърий туркумлар, шунингдек, достонлар ҳақида маъруза ва муҳокамалар бўлиб ўтади.

* * *

2020 йилнинг 20 февраль пайшанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида наср кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтади. Унда 2019 йилда нашр этилган насрий китоблар, газета-журналларда чоп этилган насрий туркумлар, шунингдек, қисса, романлар ҳақида маъруза ва муҳокамалар бўлиб ўтади.

Барча қизиққанларни таклиф этамиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШРЛАР

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

2019 йил, 11 — 12-сонлар



Журналнинг ўтган йилги охирги сонларида дунё халқлари адабиётининг вақт синовидан ўтган бир қатор нодир намуналари таржималари босилган. Бу асарлар муаллифларининг номлариёқ ўқувчида катта қизиқиш туғдириши табиий: Фёдор Достоевский, Кнут Ҳамсун, Ҳерманн Ҳессе, Иван Бунин, Никола Буало, хитой мумтоз шеърияти намояндаси Ма Чжиюань... Шу билан бирга ҳали ўзбек китобхонларига таниш бўлмаган, бироқ асарлари билан кенг шуҳрат қозонган адибларнинг ижодидан намуналар ҳам эълон қилинган. Жумладан, америкалик адиба Рут Жабвалининг автобиографик характердаги "Ҳалокат тўзони" романида (А.Мелибоев таржимаси) ҳинд халқининг урф-одатлари ва қадриятлари турли персонажларнинг феъл-атвори ҳамда турмушидаги зиддиятларнинг бадиий талқинлари воситасида акс эттирилган. Ф.Достоевскийнинг "Ака-ука Карамазовлар" романининг (И.Ғафуров таржимаси) иккинчи қисми, жаҳон адабиётининг таниқли вакиллари Р.Маринковичнинг, И.Л.Перес, К.Х.Селанинг ҳикоялари, Александр Файнберг шеърлари, Ма Чжиюань шеъриятидан (таржимон Турсун Али) намуналар билан ҳам журналнинг 11-сонида танишасиз. Шунингдек, адабиётшуносликка, жаҳон болалар адабиётига тааллуқли тадқиқотлар, адабий-танқидий мақолалар ҳам ушбу сондан ўрин олган.



Ғарб адабиёти классиклари К.Ҳамсуннинг "Гланнинг ўлими" ҳикояси, (А.Отабоев таржимаси), Ҳ.Ҳессенинг "Курортчи" қиссаси (М.Акбаров таржимаси), "Мунозара" рукнида берилган Н.Буалонинг "Франция Академияси аъзоси жаноб Перрога мактуб"и (М.Раҳим таржимаси) каби асарлар журналнинг 12-сонига алоҳида салмоқ бағишлаган. И.Буниннинг шеърлари (таржимон Ў.Ҳайдар), В.Жаброилзода ижодидан (И.Отамурод таржимаси) намуналар ҳам муштарийлар эътиборига тушиши тайин. Адабиётшунослик, маданият ва санъат масалаларига доир тадқиқотлар ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

Лола НАБИЕВА

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди қуйидаги китобларни нашр этиш бўйича нашриётлар ўртасида танлов эълон қилади. Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

КИТОБНИНГ НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ:

1. Одил Ёқубов. "Эр бошига иш тушса" (Роман)
Бичими: 84х108, 1/32, қаттиқ муқовада, матн оқ-қора ва 70-80 гр.офсет қоғозда. "Cambria" гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 348 бет
Адади: 1000 нусха.

2. Александр Бек. "Волоколамск йўлида" (Роман. Таржима)
Бичими: 70х100, 1/16, қаттиқ муқовада, матн оқ-қора ва 70-80 гр.офсет қоғозда. "Cambria" гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 544 бет
Адади: 1000 нусха.

3. Вали Ғафуров. "Вафодор" (Роман)
Бичими: 84х108, 1/32, қаттиқ муқовада, матн оқ-қора ва 70-80 гр.офсет қоғозда. "Cambria" гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 544 бет
Адади: 1000 нусха.

4. Чингиз Айтматов. "Болалигим" (Таржима)
Бичими: 70х90, 1/32, юмшоқ муқовада, матн оқ-қора ва 70-80 гр.офсет қоғозда. "Cambria" гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 160 бет
Адади: 1000 нусха.

5. Амриддин Бердимуродов. "Ватан ҳаққига муножот" (Мақолалар)
Бичими: 84х108, 1/32, қаттиқ муқовада, матн оқ-қора ва 70-80 гр.офсет қоғозда. "Cambria" гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 300 бет
Адади: 1000 нусха.

6. Азим Суюн. "Мен - ерликман" (Достон ва шеърлар)
Бичими: 70х90, 1/32, юмшоқ муқовада, матн оқ-қора ва 70-80 гр.офсет қоғозда. "Cambria" гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 148 бет
Адади: 1000 нусха.

7. Усмон Қўчқор. "Имом Бухорий" (Тарихий драма ва шеърлар)
Бичими: 70х90, 1/32, юмшоқ муқовада, матн оқ-қора ва 70-80 гр.офсет қоғозда. "Cambria" гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 148 бет
Адади: 1000 нусха.

ТАЛАФОТСИЗ ЎТКАЗАЙЛИК

Юртимизда қиш фаслининг сўнги палласи. Лекин шунга қарамасдан ўлкамизда ўртача илиқ ҳаво сақланиб турибди. Шундай дамларда иситиш мосламаларига эҳтиёж сезилмаса-да, ёнғин чиқиши мумкин бўлган ҳолатларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. "Кўза кунда эмас, кунида синади" деб халқимиз бежиз айтмайди.

Қишки мавсумни беталафот ўтказиш мақсадида шу соҳа ходимлари томонидан аҳоли турар жойлари ва маҳаллаларда учрашувлар ўтказилмоқда. Улар иштирокида кўп қаватли аҳоли турар жойлари, мактабгача таълим муассасалари, мактабларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилмоқда. Текширув давомида асосий эътибор иситиш қозонлари, газ ускуналарининг созлигига қаратилиб, камчиликлар юзасидан йўриқномалар берилмоқда. Шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда оммавий-ахборот воситаларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Қишнинг совуқ кунларида иссиқликни сақлаш мақсадида айрим ҳолда қўлда ясалган ёки носоз иситиш мосламаларидан фойдаланилади. Бу эса хавфли вазиятларни юзага келтиради. Ёки бўлмаса газ печи олдида кирларни қуритиш, кечаси электр печларини ноқулай жойда электр токидан узмасдан қолдириш ва сигарета қолдиқларини дуч келган жойга ташлаш оқибатида катта ёнғинлар келиб чиқмоқда. Ёнғин оқибатида нафақат корхона ва ташкилотлар катта миқдорда зарар кўради, балки инсон саломатлиги ҳам хавф остида қолади. Бизнинг мақсадимиз эса ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш.

Шунинг учун фуқаролар қиш мавсумида носоз иситиш мосламаларидан, ясама печлардан фойдаланмасликлари мақсадга мувофиқ. "Фалокат қош билан қовоқ ўртасида", дейишади. Озгина эътиборсизлик катта фалокатга, тузатиб бўлмас хатога сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, ҳар биримиз ҳушёр бўлмоғимиз, яқинларимизнинг соғлиғига бефарқ қарамаслигимиз лозим.

Тоҳир НАЗАРОВ,
Аҳмад ПЎЛАТОВ,
ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдога Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг 2020 йил 10 февралдаги 1-сонли буюртмасига асосан, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Ёпиқ турдаги аукцион савдосига "ГБА СПГ Нексия" русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 /472 DCA бўлган, техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 17 419 000 сўм.

2. Очиқ турдаги аукцион савдосига "Матиз" русумли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/093 KBA бўлган, техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 12 123 000 сўм.

Аукцион савдолари 2020 йил 16 март куни соат 11:00да бошланади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2020 йил 13 март куни соат 18:00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2020 йил 16 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 2020 йил 25 март – 3, 14, 23 апрель кунлари соат 11:00да ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр Банк" Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 2020 8000 0005 7145 2002, МФО: 01069, СТИР: 200933850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: **Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Телефон: 71-237-23-91. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 001805.**

Ўзбекистон Бадиий академияси ва Бадиий ижодкорлар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, миниатюрачи рассом

Ғайрат КАМОЛОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Исматилла Йўлдошевга қизи

ЗАРИФАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Ҳамкоримиз: Imzo akfa

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 2014 йил 26 ноябрда 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5039. Буюртма Г - 255.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: **Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 20.20

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-6344

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 *Санъат бўлими: 233-56-40* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*